

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 47-48-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (183-184)
ТЎПЛАМИ 2005 й.
ноябрь-
декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

352. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сонли Фармониغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги ПФ–3694-сон Фармони
353. «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ–227-сон қарори
354. «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ–229-сон қарори

Учинчи бўлим

355. «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғри-

- сида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарори
356. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 29 ноябрдаги 266-сон қарори

Бешинчи бўлим

357. «Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 7 ноябрдаги 102, 271-В, 6-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 ноябрда 1522-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
358. «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ёлибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
359. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 3 августдаги 61, 2005-40, 60-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 ноябрда 1524-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
360. «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификат бериш тартиби тўғрисида йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2005 йил 30 сентябрдаги 01-1/54, 1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 ноябрда 1525-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
361. «Алкоголли маҳсулотларга тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини ҳисоблаб чиқиш ва «Ўзмевабазавотузумсаноат-холдинг» холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 6 ноябрдаги 103, 2005-65-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 ноябрда 1526-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
362. «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толаси учун қўшимча чегирма бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси

публикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 31 августдаги 82, 63, РА-01/10-3641, 2005-49-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 ноябрда 1527-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

363. «Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги 19/5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

364. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 29 ноябрдаги 104, 2005-67-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 ноябрда 1325-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 19 ноябрдан 2 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

352 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сонли Фармониغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сонли Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сонли Фармониغا иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 ноябрь,
ПФ–3694-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил 28 ноябрдаги
ПФ–3694-сонли Фармониغا
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сонли Фармониغا киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сонли Фармони 1-бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига доир барча текширувларни, молия-хўжалик фаолиятини текширишни истисно этган ҳолда, ўтказиш, қоида тариқасида, бир йўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутиб, фақат Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги

тартибда назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади;

мазкур субъектларнинг фаолиятини муқобил текшириш жиноий ишлар бўйича тергов давомида текширувчи белгилаш тўғрисидаги қарор асосида ёки фақат Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текшириш хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан амалга оширилади ва фақат уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади;

белгиланган норма ва қоидаларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда риоя этадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш, молия-хўжалик фаолиятини текширишни истисно этган ҳолда, назорат органлари томонидан ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

353 Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда, педагогларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамиша давлатнинг диққат марказида туради. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Ўқитувчиларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилиши ва таълим стандартлари талабларига мувофиқ педагогларнинг иш юктамалари мақбуллаштирилгани халқ таълими соҳасига ёш мутахассислар келиб қўшилишига имконият яратди.

Шу билан бирга, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг амалдаги тизими мактаб таълимининг заиф бўғини бўлиб қолмоқдаки, бунда педагогларнинг истеъдоди, касб маҳорати ҳамон улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг муҳим белгилловчи кўрсаткичи бўлиб қолгани йўқ. Амалдаги тариф ставкалари даражаси пастлиги, устама ҳақларни белгилашнинг аниқ ва ошқора механизми йўқлиги ўқитувчиларнинг шахсий хиссаси намоён бўлмаслигига ва мактабларнинг педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келмоқда.

Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, истеъдодли, ўз касбига содиқ умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмини жорий этиш, ўсиб келаётган авлодни уйғун камол топтириш жараёнида уларнинг масъулиятини кучайтириш ва шахсий хиссасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш такомиллаштирилган тизимнинг бош вазифалари этиб белгилансин:

Ўз касбига садоқат ва ташаббускорлик, юксак касб маҳоратини намоён этаётган, таълим-тарбия жараёнига катта шахсий ҳисса қўшаётган талантили педагоглар рағбатлантирилишини назарда тутувчи халқ таълими ўқитувчилари ва бошқа ходимларнинг ҳиссаси муносиб баҳоланишини таъминлаш;

амалдаги иш ҳақи даражасини сақлаб қолишгагина эмас, балки энг муҳими — унинг ўсишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳолис ва ошқора механизминини жорий этиш, амалдаги устамалар ва қўшимча ҳақни унификациялаш;

умумтаълим муассасалари педагог ходимларининг касб фаолиятига талаб ошганлигидан келиб чиқиб, улар меҳнатини моддий рағбатлантиришни табақалаштириш;

мактабларнинг мустақиллигини янада ошириш ҳамда директорлар ва ўқитувчилар жамоасининг ўқитувчилар меҳнатини ҳолисона баҳолаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ишларда қатнашиш ҳуқуқларини кенгайтириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

2006 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими муассасалари ходимларининг малага тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилаган ҳолда халқ таълими муассасалари педагоглари ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

ўқитувчиларга тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни бажарганлик, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси, юқори натижалар ва таълим сифати учун базавий ставкаларга устама ҳақ, шунингдек ушбу муассасаларнинг ходимларига бир марта бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган устамаларни, шунингдек мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун умумтаълим муассасаларидан ташқари Мактабгача, мактабдан ташқари ва халқ таълими бошқа муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг умумтаълим муассасалари ходимларининг меҳнат ҳақини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан уларнинг иш ҳақи келгуси йилда барча ҳақ тўлаш манбалари ҳисобига (ҳар йилги индексациялар бу ҳисобга кирмайди) ўрта ҳисобда 1,3 баравар оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағларини тасарруф этиш ҳар бир умумтаълим муассасаси — мактабда, тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

4. 2006 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари директорлари ҳамда директорларнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларининг иш ҳақи миқдори ўртача 1,4 баравар кўпайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йилги Давлат бюджети доирасида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда умумтаълим муасса-

салари директорлари ва директор ўринбосарларининг иш ҳақини кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг амалга ошириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда:

ўз мажлисида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини, Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда ўз мажлисларида муҳокама қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 ноябрь,
ПҚ-227-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

354 Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқимизга зарур соғлом ва муносиб турмуш шароити яратиш, ҳамма фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ва мақсадли дастурлар доирасида фуқаролар соғлиғини сақлашни тубдан яхшилаш, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий ёрдам сифатини ошириш учун ташкилий ва амалий шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ врачлик пунктларини шакллантириш, касалликлар тарқалишининг олдини олиш тадбирлари изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда, бу ўз навбатида аҳоли турмуш тарзини сезиларли даражада соғломлаштириш имконини берди.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тизимида тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирларга ғоят муҳим аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг мансаб маошлари кўпайтирилди, рес-

публика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив шакллари жорий этилди.

Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари меҳнатини баҳолаш ва ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимини янада яхшилаш, улар олаётган иш ҳақи ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблик даражасига ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига аниқ ва бевосита боғлиқ эканини таъминлаш талаб этилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида ҳар бир тиббиёт ходимининг ўз профессионал савияси ва қобилиятларини доимий оширишга интилишига ундайдиган барқарор моддий манфаатдорликни яратиш зарур.

Қишлоқ шифокорининг кўп қиррали меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси қўйилаётган талаблардан жиддий орқада қолмоқда, бу эса ёш истикболли мутахассисларни мазкур иш соҳасига жалб этиш ва муқим ўрнашиб қолишига имкон бермайди. Кичик тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларнинг айниқса ихтисослаштирилган стационар даволаш муассасаларидаги иш ҳақи миқдорлари уларга юкланган иш даражасига мос келмайди, натижада тиббиёт муассасалари ушбу ходимлар билан тўлиқ таъминланмаган.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантириш, уларнинг меҳнат ҳақи миқдорлари бажарилаётган ишнинг мураккаблик ва ўта масъулиятлик даражасига, кўрсатаётган тиббий ёрдам сифатига боғлиқлигини кучайтириш, шунингдек тиббиёт ходимларининг профессионал савияси ва малакасини узлуксиз ошириш учун рағбатлантириш омилларини яратиш мақсадида:

1. Қўйидагилар тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тиббиёт ходимлари меҳнатига даволаш муассасаларининг ихтисослашув соҳаси ва ходимларнинг малака тоифасини ҳисобга олган ҳолда, кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

тиббиёт ходимларининг қишлоқ жойларда муқим ўрнашиб қолишини назарда тутган ҳолда, шунингдек ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида ишлайдиган кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

шифокорларнинг шахсий ҳиссасига, ишларни оғир, ўта оғир ва соғлиқ учун хавfli меҳнат шароитларида бажаришига, шунингдек замонавий тиббиёт ускуналарида фойдаланган ҳолда ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар ташхиси ҳамда уларни даволашнинг замонавий усулларини егаллаганига қараб шифокорларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш;

ўзининг профессионал бурчига содиқ бўлган ва малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган ходимлар меҳнатини ҳолис баҳолаш ва рағбатлантириш борасида тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш ҳамда масъулиятини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

2006 йил 1 январдан бошлаб лавозимлар ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкалари, шунингдек уларга тузатиш коэффициентлар ўрнатилган ҳолда муассасалар гуруҳлари бўйича тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини амалда жорий этиш;

неонатолог шифокорлар, нейро-, кардио- ва микрохирурглар, иши юқумли касалликларни қўзғатувчи жонли микроорганизм ва вируслар билан боғлиқ бўлган

лабораториялар, сил касаллиги, анестезиология, реанимация, интенсив терапия, патологик анатомия, рентген ва радиология бўлимлари тиббиёт ходимларининг мансаб маошларига устама ҳақ миқдорларини маошнинг 25—35 фоизи доирасида ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳар бир тиббиёт муассасасида Тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси негизида Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилади. Қўйидагилар ҳар бир тиббиёт муассасаси учун мазкур Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми;

хомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек пулли даволаш ва хизматлардан тушадиган маблағлар;

тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда тежалган бюджет маблағлари.

4. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қўйидаги икки мустақил манба сифатида:

тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш учун;

муассасанинг моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш учун сарфланади.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун ҳар бир тиббиёт муассасасида тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ва касаба уюшмаси вакилларининг иштирокида махсус комиссиялар тузилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни, шунингдек тиббиёт муассасалари тўртта (I—IV) гуруҳининг ҳар бири учун Жамғарма харажатлари манбаларининг иккала йўналишлари ўртасидаги фоиз нисбатларини қўшма қарор билан тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тиббиёт ходимлари меҳнат ҳақини такомиллаштиришга оид чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан уларнинг иш ҳақи келгуси йилда барча ҳақ тўлаш манбалари ҳисобига (ҳар йилги индексациялар бу ҳисобга кирмайди) 1,3 баравар оширилиши тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йилги Давлат бюджети доирасида давлат муассасалари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш билан боғлиқ харажатлар ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўз мажлисида давлат муассасалари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг барча гуруҳлари (I—IV) бўйича иш стажини учун устама ҳақ тўлашни назарда тутган ҳолда, тиббиёт ходимларининг айрим тоифаларига устама ва қўшимча ҳақ белгилашга оид амалдаги норматив ҳужжатлар қайта тасдиқланишини кўзда тутувчи, Давлат муассасалари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда ўз мажлисларида муҳокама қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 1 декабрь,
ПҚ-229-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

355 Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий база- ни такомиллаштириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорини бажариш юзасидан ва «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги белгиланган тартибда:

уч ой муддатда базавий давлат ахборот ресурсларини ҳам ўз ичига оладиган давлат ахборот ресурсларининг рўйхатини ҳамда давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 22 ноябрь,
256-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом давлат органларида ахборотни ҳужжатлаштиришга, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

I. Давлат ахборот ресурсларига киритиладиган ахборотни хужжатлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар

1. Хужжатлаштирилган ахборот мулк ҳуқуқи объекти ҳисобланади ва тегишли реквизитлар билан биргаликда ахборот манбаида қайд этилган алоҳида хужжат ёки жами хужжатлар шаклида, шу жумладан электрон хужжат шаклида бўлади.

2. Ахборотни хужжатлаштириш ахборотни давлат ахборот ресурсларига киритишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Давлат ахборот ресурсларида хужжатлаштирилган ахборот тизимлаштирилиши, таснифланиши ва тегишли реквизитлар билан таъминланиши керак.

3. Давлат ахборот ресурслари таркибига киритиш учун ахборотни хужжатлаштириш тартиби алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги махсус ваколатли орган — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан белгиланади.

4. Қуйидагилар хужжатлаштирилган ахборотнинг асосий реквизитлари ҳисобланади:

хужжатнинг номи;

ахборотнинг номи ёки эгаси;

ахборот манбаи;

пайдо бўлиши ва хужжатлаштириш санаси ва вақти;

фойдаланиш тартиби;

тизимлаштириш ва таснифлаш учун зарур бўлган бошқа реквизитлар.

5. Хужжатлаштирилган ахборот муҳофаза қилинишини таъминлаш чора-тадбирлари хужжатлаштирилган ахборотнинг мулкдори ёки эгаси томонидан, ахборот ресурсига киритилган хужжатлаштирилган ахборот муҳофаза қилинишини таъминлаш чора-тадбирлари эса — ахборот ресурсининг мулкдори ёки эгаси томонидан белгиланади.

6. Ахборотни давлат ахборот ресурслари таркибига киритишда таснифлаш ҳисобга олинган ҳолда ва белгиланган реквизитлар бўйича излаш имконияти таъминланиши зарур.

7. Давлат ахборот ресурсларидаги ахборот матнли, графикли, овозли, видео ва мултимедий (матнли, графикли, овозли ва видеоформатлар комбинацияси) шаклларда тақдим этилиши мумкин.

II. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби

8. Давлат ахборот ресурслари фойдаланишига қараб:

базавий давлат ахборот ресурсларига;

махсус давлат ахборот ресурсларига бўлинади.

9. Барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахлар томонидан уларга берилган ваколатлар доирасида умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ахборот ресурслари базавий давлат ахборот ресурслари ҳисобланади.

10. Базавий давлат ахборот ресурслари таркибига Ўзбекистон Республикаси давлат ахборот ресурслари бўйича, Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари бўйича, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий хужжатлари бўйича, Ўзбекистоннинг табиий ресурслари бўйича, давлат органларининг веб-сайтлари бўйича ва умумий фойдаланиладиган бошқа ахборот ресурслари бўйича маълумотлар базаси киради.

11. Бошқа ахборот ресурсларини базавий давлат ахборот ресурслари таркибига киритиш, шунингдек уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни

қўллаб-қувватлаш учун масъулларни белгилаш Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади.

12. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг тор касбий, ўзига хос вазифаларини ҳал этишга мўлжалланган, фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурслари махсус давлат ахборот ресурслари ҳисобланади.

13. Махсус давлат ахборот ресурслари таркибига:

идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳокимият органларининг;

давлат бюджет маблағлари ҳисобига ташкил этилган юридик ва жисмоний шахсларнинг;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ва махфий ахборотга эга бўлган ихтисослаштирилган ахборот ресурслари киради.

14. Махсус давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни таъминлаш улар ташкил этилиши учун масъуллар томонидан амалга оширилади ҳамда вазирликлар, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўллаб-қувватланади.

15. Давлат ахборот ресурслари ўзаро ва тегишли халқаро ахборот ресурслари билан ахборот-технологик мосликни таъминлаши зарур.

16. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

17. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишув бўйича уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган тегишли давлат органлари томонидан белгиланади.

18. Давлат ахборот ресурсларини шакллантиришда томонларнинг келишуви асосида ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланилиши мумкин.

Ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат органларига мажбурий тартибда тақдим этадиган шахслар унга ва ундан фойдаланишга бўлган ўз ҳуқуқларини йўқотмайдилар.

19. Давлат ахборот ресурслари ҳисобга олиниши ва рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

20. Давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби унда жойлаштирилдиган ахборотнинг хусусиятига ва унинг вазифасига (ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ва эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган) қараб белгиланади.

Бунда фойдаланувчини аутентификация қилмасдан ва ҳисобга олмасдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган давлат ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш имкони берилади.

Эркин фойдаланиши чеклаб қўйилган давлат ахборот ресурсларидан фойдаланишда фойдаланувчининг ҳаракатларини ҳисобга олиш, идентификациялаш ва аутентификация қилиш мажбурий ҳисобланади.

Ҳаракатларни ҳисобга олиш, идентификациялаш ва аутентификация қилиш усуллари норматив ҳужжатларга мувофиқ тегишли давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун масъул бўлган давлат органлари томонидан белгиланади.

Давлат органининг расмий сайтига қўйиладиган асосий талаблар мазкур Низомга Иловада келтирилган.

21. Давлат ахборот ресурсларини шакллантиришда:
тақдим этиладиган ахборотнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш;
ахборот хавфсизлиги;
ахборотнинг давлат органлари томонидан фойдаланиши учун шарт-шароитлар;
давлат ахборот ресурсларининг ахборот-технологик мослиги;
давлат ахборот ресурсларини архивлаштириш тизими таъминланиши керак.
Давлат ахборот ресурслари мазкур Низом ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ шакллантирилиши керак.

III. Давлат ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш

22. Давлат ахборот ресурслари мазкур Низом ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ муҳофаза қилиниши керак.

23. Давлат ахборот ресурслари ахборот хавфсизлиги ахборотни муҳофаза қилишнинг комплекс ташкилий-техник чора-тадбирлари ва дастурий-аппарат воситаларини ўз ичига олувчи тизим билан таъминланиши керак.

Давлат ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими давлат органининг ўз ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга ёндашувини акс этирувчи хавфсизлик сиёсатига мувофиқ амалга оширилиши керак.

24. Ташкилий чора-тадбирлар юридик ва жисмоний шахсларни давлат ахборот ресурсларини ташкил этиш, шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлашга жалб этиш тартибини бошқарадиган хатти-ҳаракатлар ва талаблар рўйхатини ўз ичига олиши керак.

25. Давлат сирлари ҳамда махфий ахборотга тегишли деб ҳисобланган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш ишлари уларни шакллантириш, улардан фойдаланилиши ва уларнинг қўллаб-қувватланиши учун масъул бўлган давлат органлари томонидан бажарилиши керак.

Зарурият бўлганда, махфий ахборотга эга бўлган давлат ахборот ресурсларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш учун белгиланган тартибда юридик шахсларни жалб этишга йўл қўйилади.

26. Давлат ахборот ресурсларини муҳофаза қилишнинг дастурий-аппарат воситалари:

ахборот хавфсизлигига таҳдидни аниқлаш ва унинг олдини олишни;
шакллантириш, фойдаланиш, ишлаш, бериш ва сақлашда маълумотларнинг яхлитлигини;

рухсат берилмаган эркин фойдаланишдан муҳофаза қилишни, ахборот ресурсларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни;

маълумотларни захиралаштириш ва тиклаш тизимини;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг яхлитлиги ва иш қобилияти назорат қилинишини таъминлаши керак.

27. Давлат ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимида фойдаланиладиган ахборотни муҳофаза қилишнинг дастурий-техник воситалари лицензияли ва сертификатлаштирилган бўлиши керак.

**IV. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан
фойдаланиш учун масъул бўлган давлат органларининг ҳуқуқлари,
мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

28. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган давлат органлари:

давлат ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш ва фойдаланиш тартибини белгилаш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун ҳужжатлаштирилган ахборотни тақдим этишни ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслардан талаб қилиш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантиришда юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот ресурсларидан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш;

давлат ахборот ресурсларидан фойдаланилганлиги учун тўлов миқдорини аниқлаш ва белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, шу жумладан мажбурий тақдим этиладиган ахборот тақдим этилиши, тўпланиши ва ишлов берилиши ташкил этилиши бўйича фаолиятни ташкил этишга;

давлат ахборот ресурслари муҳофаза қилинишини, уларнинг ҳолати, сақланиши ва улардан фойдаланиш назорат қилинишини ташкил этишга;

мазкур Низомга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва эркин фойдаланишни ташкил этишга қўйиладиган талабларга риоя қилишга;

интеллектуал мулк муҳофаза қилинишини таъминлашга;

барчанинг эркин фойдаланиши мумкин бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан, шу жумладан Интернет тармоғи орқали эркин фойдаланиш имкониятини бериш бўйича тартибни жисмоний ва юридик шахслар эътиборига етказишга мажбурдир.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

30. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган давлат органлари:

давлат ахборот ресурсларига тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги;

ахборот билан ишлаш, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги, ахборот айирбошлашда ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги;

жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборот тарқатилиши;

давлат ахборот ресурслари муҳофаза қилиниши таъминланиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун

масъул бўлган давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача тарзда ҳам жавобгар бўлишлари мумкин.

**V. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан
фойдаланишда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари,
мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

31. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда юридик ва жисмоний шахслар:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ахборот ресурсларини ташкил этиш, шакллантириш, қўллаб-қувватлаш ва сақлаш;

барчанинг эркин фойдаланиши мумкин бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантиришда ўз ахборот ресурсларидан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот ресурсларидан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш;

барчанинг эркин фойдаланиши мумкин бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун фойдаланиладиган ахборот тизимининг техник воситаларини ишлатиш ҳуқуқига эгадир.

Юридик ва жисмоний шахслар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

32. Юридик ва жисмоний шахслар давлат ахборот ресурсларини шакллантиришда ва улардан фойдаланишда:

ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва эркин фойдаланишни ташкил этиш тартибига ва улар бўйича талабларга риоя қилишга;

давлат ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларнинг мавжуд бўлишини таъминлашда лицензияли дастурлардан ва сертификатлаштирилган техник воситалардан фойдаланишга мажбурдир.

Юридик ва жисмоний шахслар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

33. Юридик ва жисмоний шахслар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда:

ахборот билан ишлаш, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги;

давлат ахборот ресурсларидаги ахборотнинг ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши;

муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк бўйича қонун ҳужжатлари бузилиши учун жавобгар бўладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача тарзда ҳам жавобгар бўлишлари мумкин.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Давлат органининг расмий сайтига қўйиладиган АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

1. Давлат органининг расмий сайтига жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотлар рўйхати

1.1. Давлат органининг расмий сайтига жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотларга қўйидагилар киради:

а) давлат органининг ҳуқуқий мақомини, шу жумладан давлат органининг, унинг бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ташкилий тузилмаси, функциялари ва вазифаларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

б) давлат органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

в) давлат органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар;

г) Ҳукумат ва давлат органлари томонидан давлат органи фаолияти соҳасида қабул қилинган дастурлар тўғрисидаги умумий маълумотлар (номи, мақсади, асосий вазифалари, буюртмачилари, бош ижрочилари, амалга ошириш муддатлари ва кутилаётган натижалар);

д) давлат органи томонидан ўтказиладиган тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, «давра суҳбатлари», расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, давлат органининг кундалик фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотлар;

е) давлат органининг давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ж) амалга оширилишида давлат органи иштирок этадиган халқаро шартномалар тўғрисидаги ахборотлар;

з) давлат органи фаолияти соҳасига кирадиган тармоқнинг аҳволини, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда унинг ривожланиш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар;

и) давлат органи, унинг ташкилотлари томонидан ўтказиладиган товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

к) бўш иш ўринлари ва ишга қабул қилиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар;

л) расмий сайтнинг ахборот материалларидан фойдаланишда унга ҳаволалар мажбурий кўрсатилиши тўғрисидаги талаб;

м) давлат органи расмий сайтда жойлаштиришни зарур деб ҳисоблайдиган умумий фойдаланиладиган бошқа ахборотлар ва маълумотлар.

1.2. Давлат органи томонидан расмий сайт орқали кўрсатиладиган базавий ахборот хизматлари рўйхатига қўйидагилар мажбурий тартибда тақдим этилади:

а) давлат органи раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, биографик маълумотлар ва улар билан боғланиш маълумотлари, фуқароларни қабул қилиш кунлари);

б) давлат органининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўлинмаларининг телефон рақамлари ва манзил реквизитлари (почта, электрон манзили ва бошқа-

лар), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумотлар бериш хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари;

в) давлат органи томонидан қабул қилинадиган аризалар, бланкалар ва статистик ҳисоботлар шакллари;

г) фуқароларнинг аризалари, шикоятлари ва бошқа мурожаатларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

д) давлат органи фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ва ахборот тусидаги шарҳлар;

е) давлат органи раҳбарларининг расмий нутқлари ва баёнотлари матнлари;

ж) давлат органининг расмий статистик ахборотлари;

з) бошқа тегишли сайтларга ҳаволалар;

и) электрон-рақамли имзо қўлланишига кўра юридик ва жисмоний шахслардан ҳисоботлар, хатлар, аризалар, шикоятлар ва бошқа шаклдаги мурожаатларни қабул қилиш имконияти.

1.3. Расмий сайтда бошқа манбалардан ахборотларни жойлаштиришга фақат ахборот манбаи кўрсатилган тақдирда йўл қўйилади.

2. Расмий сайтга қўйиладиган талаблар

2.1. Расмий сайтга жойлаштирилган асосий ахборотлардан фойдаланиш эркин ва бепул бўлиши керак.

Базавий ахборот хизматларидан ташқари, давлат органи расмий сайт орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, пулли асосда қўшимча хизматлар кўрсатиши мумкин.

2.2. Расмий сайтга жойлаштирилаётган ахборотларнинг санаси кўрсатилиши ва улар мунтазам янгиланган бўлиши керак. Ахборотларни янгиланган бўлиши муддати давлат органи томонидан белгиланади, бироқ ахборотлар бир ҳафтада камида бир марта янгиланиб бориши керак.

Давлат органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ушбу органнинг расмий сайтга ҳужжатлар Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин икки кундан кечикмай жойлаштирилиши керак.

2.3. Давлат органи расмий сайтдаги ахборотларни шакллантириш, жойлаштириш, шунингдек янгиланган бўлиши учун масъул бўлган шахс (бўлинма)ни буйруқ билан белгилайди.

2.4. Давлат органининг расмий сайти «.UZ» домен зонасида ҳамда Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сервер (хостинг)да физик жиҳатдан жойлаштирилиши керак.

2.5. Расмий сайтга ахборот давлат тилида тақдим этилиши керак. Расмий сайт ахборотлари бошқа тилларда ҳам бўлиши мумкин.

2.6. Давлат органи ўзининг расмий сайтида жойлаштирилган ахборотларнинг йўқ қилиниши, тўсиб қўйилиши, бузиб талқин қилиниши, қалбакилаштирилиши ва сохталаштирилишининг ҳамда бошқа шакллардаги рухсатсиз аралашувларнинг олдини олиш бўйича тегишли муҳофаза чора-тадбирларини кўриши керак.

3. Расмий сайт ахборотлари таркибига қўйиладиган талаблар

3.1. Расмий сайт ахборотлари таркиби унинг фаолияти ҳолисона ёритилишини таъминлаши керак.

3.2. Расмий сайтга жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши керак. Давлат органи раҳбарлари расмий сайтга жойлаштириладиган ахборотларнинг ишончилиги учун жавобга бўладилар.

3.3. Расмий сайтга жойлаштириладиган ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ахборот билан тенг кучга эга бўлади.

3.4. Расмий сайтда давлат сирларига тааллуқли ва қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа ахборотлар бўлмаслиги керак.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига
2-ИЛОВА

Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом давлат органларининг ахборот тизимларига умумий талабларни, уларни яратиш тартибига талабларни, шунингдек ахборот тизимларини яратишда давлат органларининг вазифаларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Давлат органларининг ахборот тизими ахборотларни тўплаш, сақлаш, қидириш, ишлаш ва улардан фойдаланишга имкон берадиган давлат ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий жиҳатдан тартибга солинган йиғиндиси ҳисобланади.

2. Давлат органларининг ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

3. Давлат органларининг ахборот тизимини яратишнинг мақсади уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, улар томонидан кўрсатиладиган ахборот хизматлари спектрини кенгайтириш, компьютер технологияларининг замонавий ютуқларини қўлланиш ҳисобига давлат бошқа органлари, хўжалик юритувчи бирлашмалар, юридик ва жисмоний шахслар билан ахборот бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил этишдан иборатдир.

4. Ахборот ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш, янги эҳтиёжларни ўз вақтида қондириш ҳамда пайдо бўлаётган имкониятларни тезда баҳолаш, шунингдек давлат органининг барча таркибий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги, бошқарувчанлигини ошириш, уни мувофиқлаштириш орқали бошқарувда зарур динамизм даражасига эришиш давлат ахборот тизимидан фойдаланишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

II. Давлат органларининг ахборот тизимларига асосий талаблар

5. Давлат органларининг ахборот тизимлари:
умумий фойдаланиладиган давлат ахборот ресурсларидан кафолатли ва хавфсиз фойдалана олишни;

давлат ахборот ресурсларини қидириш, тўплаш, ишлаш ва сақлаш имкониятини;

давлат органларига маҳаллий ва глобал ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти беришни;

дастурий-аппаратнинг ишончли ишлаши ва уларнинг узилишларга, шу жумладан фойдаланувчиларнинг тартибсиз ишлаши ҳолларига чидамлилигини;

фойдаланувчилар ўртасида маълумотларни тезкорлик билан ва хавфсиз айирбошлашни;

аппарат ва дастурий воситаларни модернизация қилиш, тизимни янги компонентлар билан бойитиш йўли билан янада кенгайтириш имкониятини;

давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишлари билан боғлиқ бошқа функцияларни таъминлаши керак.

6. Давлат органларининг ахборот тизимлари қуйидагилардан иборат бўлади:

давлат органлари томонидан ўзларининг асосий вазифалари ва функцияларини бажаришни қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган транзакцион ва ҳисобга олиш тизимлари;

давлат органлари ахборот тизимлари ўртасида идоралараро ахборот бўйича ўзаро ҳамкорлик тизимлари;

давлат органлари фаолиятида амалий жараёнлар ва маъмурий регламентларнинг қўллаб-қувватланишини таъминлайдиган ресурсларни бошқариш тизимлари;

давлат органлари томонидан ўзларининг асосий вазифалари ва функцияларини бажариш натижалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ишлаш, сақлаш ва таҳлил қилишни таъминлайдиган ахборот-таҳлил тизимлари;

электрон ҳужжатлар айланиши тизимлари;

ҳужжатларнинг электрон архивларини бошқариш тизимлари;

фойдаланишни бошқариш тизимлари (шу жумладан инфратузилма компонентларини бошқариш тизимлари);

жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг Интернет ёки бошқа алоқа каналлари орқали, шу жумладан телефон хизмати кўрсатиш порталлари ва марказлари орқали давлат органлари томонидан ахборотлар берилишини таъминлайдиган тизимлари;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимлари;

давлат органлари ходимлари томонидан ўзларининг кундалик фаолиятида ҳужжатларни тайёрлаш ва ахборотлар алмашиш учун фойдаланиладиган идора тизимлари.

7. Давлат органларининг ахборот тизимлари ишончли ва барқарор фаолият кўрсатиш талабларига жавоб бериши керак.

8. Давлат органларининг ахборот тизимлари қуйидаги принциплар асосида яратилиши керак:

ахборотларнинг фойдаланишга қулайлиги, ишончилиги, тўлиқлиги ва уларнинг ўз вақтида берилиши;

махфийлик — ахборотлар тизими ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларга берилган ваколатлар доирасида фойдаланишнинг чекланишини таъминлаш;

ошкоралик — бошқа ахборот тизимлари ва миллий ахборот тизимлари билан интеграцияланиш имконияти;

қўламлилик — ахборотлар тизимлари таркибига дастурий — аппарат воситаларини қўшиш, модернизация қилиш ва шу каби йўллар билан ахборот тизимларининг функционал имкониятларини янада кенгайтириш имконияти;

химояланганлик — ахборот тизимлари таркибига кирувчи ахборот ресурсларининг сақланишини ва яхлитлигини таъминлаш.

III. Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш

9. Давлат органларининг ахборот тизимлари давлат бюджети маблағлари, давлат органларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига яратилади.

10. Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш жараёнида буюртмачи, ишлаб чиқувчи, етказиб берувчи, бош лойиҳаловчи ташкилотлар, турли қисмларни лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар қатнашиши мумкин.

11. Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади: талабларни шакллантириш, концепцияни, техник топшириқни, эскиз ва техник лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ишчи ҳужжатларни тузиш, ишга тушириш ва кузатиб бориш.

12. Ҳар қайси босқичдаги ишларнинг мазмуни ва ахборот тизимларини яратиш қатнашчиларининг вазифаларини тақсимлаш тегишли стандартлар билан белгиланади.

13. Давлат органларининг ахборот тизимлари техник ҳужжатлари Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органига — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига экспертиза учун тақдим этилади.

14. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи экспертизани бир ой муддатда, заруриятга кўра, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг мутахассисларини жалб этган ҳолда ўтказиши.

15. Давлат органларининг ахборот тизимлари лойиҳалари экспертизаси: ахборот тизимига қарор билан тавсия этилаётган вазифаларни бажариши имконияти;

лоyiҳанинг амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;
миллий ахборот тизими билан ўзаро ҳамкорликнинг таъминланиши;
ахборот хавфсизлигининг таъминланиши юзасидан ўтказилади.

16. Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш ва молиялаштириш фақат ижобий эксперт хулосаси олингандан кейин амалга оширилади.

17. Ахборот тизимларини яратиш ишлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мумкин.

18. Давлат органларининг ахборот тизимларини фойдаланишга топшириш қабул қилиб олиш бўйича махсус комиссия томонидан амалга оширилади, унинг таркибига Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг камида 3 нафар вакили, уларнинг касб бўйича тажрибасини ва ахборот технологиялари соҳасидаги кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда киритилади.

19. Давлат органларининг ахборот тизимлари мажбурий равишда ҳисобга олинади ва рўйхатдан ўтказилади.

Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

IV. Давлат органлари ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш

20. Давлат органларининг ахборот тизимлари ушбу Низом ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳимоя қилинади.

21. Давлат органларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ахборотларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-техник чора-тадбирлар комплексини ҳамда дастурий-аппарат воситаларини ўз ичига оладиган тизим билан таъминланиши керак.

22. Ташкилий чора-тадбирлар юридик ва жисмоний шахсларни давлат органларининг ахборот тизимларини лойиҳалаш, яратиш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга жалб этишни тартибга солувчи ҳаракатлар ва талаблар рўйхатидан иборат бўлади.

23. Давлат сирларига ёки махфий ахборотларга мансуб ахборотларни ишлайдиган ахборот тизимларини яратиш ишлари уларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари томонидан бажарилиши керак.

Зарурат бўлганда, давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш учун махфий ахборотларни ишлайдиган юридик шахсларни белгиланган тартибда жалб этишга йўл қўйилади.

24. Давлат органларининг ахборот тизимларида қўлланадиган ахборотларни ҳимоя қилишнинг дастурий-техник воситалари лицензияланган, сертификатланган бўлиши ва қуйидагиларни:

ҳимоя қилинадиган ахборот ресурсларни идентификациялашни;

ахборот тизимидан фойдаланувчиларни аутентификация қилишни;

тизимда айланаётган ахборотларнинг махфийлигини;

маълумотларни асл нусхада айирбошлашни;

ахборотларни шакллантириш, узатиш, фойдаланиш, ишлаш ва сақлашда маълумотларнинг яхлитлигини;

нормал фойдаланиш шароитларида тизимдаги барча ресурслардан рухсат билан фойдаланишни;

фойдаланувчиларнинг ахборот тизими ресурсларидан фойдаланиши чегараланишини;

бошқарувни (ахборот тизимлари ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларини белгилаш, рўйхатга олиш дафтарларидаги ахборотларни ишлаш, ҳимоя тизимини ўрнатиш ва олиб ташлаш);

фойдаланувчиларнинг кириш ва чиқиш ҳаракатларини, шунингдек ахборот тизими ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари бузилишларини рўйхатга олишни;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг бутлиги ва иш қобилиятини назорат қилишни;

фавқулодда вазиятларда тизимнинг хавфсиз ва узлуксиз ишлашини таъминлаши керак.

25. Фойдаланувчиларнинг ахборотларни ҳимоя қилишнинг криптографик воситаларидан, шу жумладан электрон — рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат органларининг ахборот тизимидаги ишлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши керак.

26. Давлат сирларига ёки махфий ахборотга эга бўлган ахборотларни ишлаш учун мўлжалланган ахборот тизимларининг техник воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий сертификатланиши керак.

27. Махфий ахборотлар мавжуд бўлган ва улар ишланадиган ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан Интернет тармоғига киритиш

уларни ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилгандан кейин амалга оширилади.

Махфий ва мутлақо махфий ахборотларга эга бўлган ва уларни ишлайдиган ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан Интернет тармоғига киритишга йўл қўйилмайди.

28. Давлат органлари ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими хавфсизликка таҳдидни, шунингдек уларнинг нормал ишлашининг бузилиши билан боғлиқ сабаблар ва шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлашни таъминлайдиган тегишли хавфсизлик сиёсати билан амалга оширилиши керак.

29. Ишлаб чиқиш ва фойдаланишнинг барча босқичларида ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари ва усуллари ахборот тизимининг мақсадига қараб ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ давлат органлари томонидан белгиланади.

V. Давлат органларининг ахборот тизимларини яратишда давлат органларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарлиги

30. Давлат органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ахборот тизимларидан фойдаланиш тартибини белгилаш;

ўз ахборот тизимларини ахборотлар айирбошлаш учун бошқа ахборот тизимлари билан тармоқлараро боғлашни белгиланган тартибда амалга ошириш.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

31. Давлат органлари қуйидагиларга мажбур:

ўз ахборот тизимларини яратиш;

ўз ахборот тизимларининг миллий ахборот тизимларига кирувчи ахборот тизимлари билан ҳамда халқаро ахборот тизимлари билан мувофиқлигини таъминлаш;

ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Давлат органлари ахборот тизимларини яратишда:

давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тартиби ва талабларига риоя қилиниши;

давлат органлари ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги таъминланиши учун жавоб берадилар.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жавобгарликларни ҳам амалга оширадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

356 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2000 й., 9-сон, 62-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

- 1-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- 2-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 ноябрь,
266-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**357 Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган
унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисми-
ни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқ-
лаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
19 ноябрда 1522-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 29 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 августдаги ПП-153-сонли «Унни бойитиш Миллий дастури» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Илова* қилинаётган Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 ноябрь,
102-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 ноябрь,
271-В-сон

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 ноябрь,
6-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

358 Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
19 ноябрда 1523-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 29 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ–215-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан кейин кучга киради.
3. Мазкур буйруқ кучга киритилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 4 январдаги 1-сонли «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (2005 йил 4 январь, рўйхат рақами 1439 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 1-сон, 6-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Жўраев зиммасига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 18 ноябрь,
237а-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи
билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005—2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерлардан, шунингдек, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиklари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларини фермер хўжалиги юритиш учун беришда танлов ғолибини аниқлаш мезонлари ва тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига мувофиқ фермер хўжалигини юритиш учун қуйидаги ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага танлов асосида берилади:

а) захирадаги ерлардан ер участкалари;

б) юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари;

в) қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжалиklарининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари;

г) қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжалиklарининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари.

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейлар, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжалиklарига берилмайди.

2. Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини бериш бўйича танлов ўтказишда танлов ўтказишга тайёргарлик қилиш ва уни эълон қилиш, танловда иштирок этиш шартлари, танловни ўтказиш тартиби ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномасини ва танлов ғолибининг мулкка бўлган ҳуқуқини расмийлаштириш масалалари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли, 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорлари ҳамда мазкур Низом талаблари асосида ўтказилади.

§ 1. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерлардан фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиб беришнинг умумий шартлари

3. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ва-

колатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерлардан ер участкалари ажратиш тўғрисида, шунингдек ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида туман ҳокими қарор қабул қилади.

4. Туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида осиб қўйилиши керак. Эълонда ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа тавсифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган ихтисослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи кўрсатилиши лозим.

5. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ва эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида ўтказилиши керак. Агар танловда иштирок этишга комиссия аъзоси томонидан ариза берилган бўлса, у мазкур танловда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу тўғрисида комиссия йиғилиши баённомасига тегишли ёзув киритилади.

6. Танловда иштирок этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шу жумладан фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг бошлиқлари эга.

7. Етарли техника ва пул маблағларига эга бўлган шахслар бир неча лойиҳаларга талабгор сифатида ариза беришлари мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерларнинг икки лойиҳаси бўйича ўтказилган танловда ғолиб чиққан фуқароларнинг, шу жумладан фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари бошлиқларининг кўрсатилган ер участкалари бўйича бошқа лойиҳалар юзасидан ўтказиладиган танловлардаги иштироки тўхтатилади.

8. Ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза ташкил этилаётган хўжаликнинг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинган ҳолда туман ҳокимига берилди. Аризада ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг турар жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтисослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишда — боқилиши мўлжалланаётган молларнинг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш муддати кўрсатилади. Фуқароларнинг аризаси махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

9. Туман ҳокими ариза келиб тушган куниёқ аризани ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга юборади. Мазкур комиссия котиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия котиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш кунигача талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиши лозим.

10. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказди. Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига берилди.

§ 2. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларини фермер хўжалиги юритиш учун беришнинг умумий шартлари

11. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия танлов ўтказилишидан бир ой олдин маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёки бошқа қулай шаклда қишлоқ хўжалик корхонасининг қайта ташкил этилиши ва танлов ўтказилиши тўғрисида эълон беради ва танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқароларнинг аризаларини қабул қилиш муддатларини белгилайди.

12. Танловда иштирок этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг аъзолари, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг бошлиқлари ва ходимлари эгадир.

Комиссия раиси ва котиби тегишли танловда талабгор сифатида иштирок этишлари мумкин эмас.

Комиссия аъзолари тегишли танловда комиссия раисининг розилиги билан фақат битта лойиҳа бўйича талабгор сифатида қатнашиши мумкин. Ўзи ариза берган лойиҳа бўйича танлов ўтказилганда ушбу комиссия аъзоси овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу ҳақда комиссия йиғилиши баённомасига тегишли ёзув киритилади.

13. Танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилишидан ўн кун олдин тўхтатилади.

14. Етарли техника ва пул маблағларига эга бўлган шахслар бир неча лойиҳаларга талабгор сифатида ариза беришлари мумкин.

Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларининг икки лойиҳаси бўйича ўтказилган танловда голиб чиққан фуқароларнинг, шу жумладан фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари бошлиқларининг ушбу хўжаликнинг бошқа лойиҳалари бўйича ўтказиладиган танловлардаги иштироки тўхтатилади.

15. Ариза ва ҳужжатларни комиссиянинг котиби қабул қилади. Комиссиянинг котиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия котиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш кунигача талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиши лозим.

16. Ер участкаларини бериш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танлови-ни ўтказиш мазкур Низомнинг 1-илласида кўрсатилган схема асосида амалга оширилади.

II. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш тартиби

17. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш икки босқичдан иборат бўлади:

биринчи босқичда ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва мазмуни текширилади;

иккинчи босқичда талабгорларнинг аризаларида баён қилинган тақлифларнинг иқтисодий асосланганлиги ўрганиб чиқилади.

18. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда комиссия муайян ер участкасида фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисида ариза тақдим этган талабгорларнинг ҳужжатлари асосида уларнинг таклифларини пухта ўрганиб чиқади. Ҳар бир иштирокчининг лойиҳаси алоҳида баҳоланади. Бунда ариза берувчининг ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқатга яқинлиги ҳамда уларни бажариш имкониятлари ҳисобга олинади.

19. Танловда иштирок этувчи қатнашувчиларни танлашнинг биринчи босқичида талабгорларнинг имкониятлари қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

мутахассислиги;

маълумоти;

қишлоқ хўжалигидаги иш стажи;

мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;

мавжуд яроқли техникаси;

сўнги йилларда шартномавий мажбуриятларнинг қай даражада бажарилиши (фермер хўжаликлари ва оилавий пудратчилар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари раҳбари ва мутахассислари учун).

20. Талабгорларнинг имкониятлари 10 баллик рейтинг шкаласида қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

а) талабгорнинг мутахассислиги ва маълумоти маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га асосан 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

Хорижий давлатлар, шу жумладан МДХ давлатлари таълим муассасалари томонидан 1992 йил 1 январдан сўнг берилган маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар белгиланган тартибда нострификацияланган бўлиши лозим;

Талабгорнинг мутахассислигини баҳолашда талабгорнинг маълумоти (олий ёки ўрта махсус)дан қатъи назар, фақатгина мутахассислик инобатга олинади. Мутахассислик учун энг юқори балл фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассисликка эга бўлган талабгорларга берилади. Бунда, фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассислик деганда фермерлик фаолиятини юритишга доир махсус мутахассисликка эга шахслар, шу жумладан айнан шу соҳада касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёки шу соҳада бакалавр (магистр) даражасини олган ёхуд бошқа илмий даражага эга бўлган шахслар ҳисобланади.

Бир неча мутахассислик бўйича маълумот тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлган талабгорларнинг фақатгина битта энг юқори балли муттаҳассислиги инобатга олинади.

б) талабгорнинг қишлоқ хўжалигидаги иш стажини аниқлашда меҳнат дафтарчасига асосан фақат шу соҳада ўталган иш стажи инобатга олинади ва 6 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Бунда комиссияга меҳнат дафтарчасининг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади;

в) талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги банк томонидан берилган маълумотномада тасдиқланган бўлиши лозим. Банк маълумотномаси банк Бошқаруви раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Айрим ҳолларда талабгор танловга пул маблағлари ўрнига ўз мол-мулкани таклиф этиши мумкин. Бунда мол-мулк талабгорнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Агар таклиф этилаётган мол-мулк талабгорга биргаликдаги

мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлса, бу ҳолда тегишли оила аъзосининг (ота-она, эр-хотин ва фарзандлар) нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши лозим.

Фермерликка талабгор юридик ва жисмоний шахснинг ҳисобварағидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағи ёки мол-мулки 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Танловга таклиф этилган мол-мулклар қиймати қўйидаги шартлар асосида инобатга олинади:

1) мол-мулк баҳоланган ва уларга бўлган (чорва молларидан ташқари) мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим. Чорва молларининг талабгорга тегишлилиги қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган, фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланиб, муҳри билан тасдиқланган маълумотнома асосида аниқланади. Уларнинг нархи чорва бозори маъмурияти томонидан берилган комиссияга маълумотнома асосида аниқланади;

2) талабгор танловга юқори ликвидли мол-мулкни (чорва моллари, товар-моддий бойликлар ёки бошқа тез сотиладиган мол-мулклар) тақдим этиши лозим;

3) танловга талабгорнинг шахсий уй-жойи, уй буюмлари ва шу кабиларни, шунингдек суд қарорига кўра ёки бошқа асосларга кўра хатланган мол-мулкларни таклиф этишга йўл қўйилмайди;

4) танловда иштирок этиш учун талабгорга бевосита мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаган, шу жумладан талабгор таъсис этган (иштирокчиси бўлган) юридик шахсларга тегишли бўлган мол-мулкларни таклиф этишга йўл қўйилмайди, талабгор сифатида танловда иштирок этаётган фермер хўжалиги бундан мустасно;

5) мол-мулк қийматини аниқлашда танловда қатнашиш учун таклиф этаётган техника воситалари қиймати ҳисобга олинмайди.

Иккита лойиҳага ариза берган талабгорнинг бир лойиҳа бўйича танловда инобатга олинган пул маблағлари (мол-мулки) иккинчи лойиҳага танловда инобатга олинмайди. Бундай талабгор ўз пул маблағлари (мол-мулки)ни лойиҳалар ўртасида ўз хоҳишига кўра тақсимлаши мумкин.

г) талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган техника воситалари уларнинг тури ва техник имкониятларидан келиб чиқиб 1 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Лойиҳадаги ер майдони ўлчамига ишлов бериш учун зарур бўлганидан ортиқ таклиф этилган техника воситаларига балл берилмайди. Ер майдони ўлчамига зарур бўлган техника воситаларининг турлари ва сони уларнинг имкониятлари (қуввати)ни ҳисоблаш йўли билан комиссия хулосаси асосида белгиланади.

Комиссияга техника воситалари техник паспортларининг асл нусхалари тақдим этилади.

Техника воситалари талабгорнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Агар танловга оила аъзолари (ота-она, эр-хотин ва фарзандлар)нинг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулк, техника воситалари таклиф этилаётган бўлса, ушбу мол-мулк ва техника воситасини бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритиш учун топшириш тўғрисида барча мулкдорлардан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Иккита лойиҳага ариза берган талабгорларнинг бир лойиҳага танловда инобатга олинган техника воситалари бошқа лойиҳага танловда инобатга олинмайди. Бирок, агар талабгор таклиф этаётган техника воситасининг имкониятлари (қуввати) бир лойиҳадаги ер майдонига нисбатан юқорироқ бўлса, бундай техника воситаси бошқа лойиҳага танловда ҳам инобатга олиниши мумкин.

Танловда иштирок этаётган фаолият юритаётган фермер хўжалиги бошлиғи ушбу

фермер хўжалигига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган техник воситаларини танловга таклиф этиши мумкин. Бу ҳолда, техника воситаларининг имкониятлари фермер хўжалигининг мавжуд ер майдонини ҳам инобатга олган ҳолда баҳоланади.

Танловга таклиф этилган техника воситалари қуйидагилар асосида баҳоланади:

1) техника воситаларини баҳолашда фақатгина техник паспортидаги техник созлиги тўғрисидаги белги мавжуд бўлган техника воситаларигина инобатга олинади;

2) балл лойиҳадаги ер майдони ўлчамига ишлов бериш учун зарур бўлган техника воситасининг ҳар бир турига (тегишли турдаги техника воситасининг сонидан қатъи назар) берилади.

3) таклиф этилган барча турдаги техника воситалари учун қўйилган баллар йиғиндиси 15 баллдан ошмаслиги лозим.

Талабгор томонидан танловга таклиф этилган пул маблағлари (таклиф этилган мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари), таклиф этилган техника воситалари танловда ютган тақдирда бўлажак фермер хўжалигининг устав фондида киритилади.

Фермер хўжалиги фаолиятини юритиш жараёнида бевосита фойдаланилиши мумкин бўлган мол-мулклар бўйича сотиш мажбуриятини олиш талаб этилмайди, бундай мол-мулкларни бўлажак фермер хўжалигининг устав фондида киритиш мажбуриятини олиш кифоя.

Таклиф этилган пул маблағлари, мол-мулк ва техника воситаларини бўлажак фермер хўжалигининг устав фондида киритиш мажбурияти талабгорнинг аризасида кўрсатилади.

Фермер хўжалиги устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирилмаганлиги, шу жумладан, танловда таклиф қилинган пул маблағлари, мол-мулк ва техника воситаларининг устав фондида киритилмаганлиги натижасида шакллантирилмаганлиги, фермер хўжалигини суднинг қарорига мувофиқ тугатиш учун асос ҳисобланади.

д) агар талабгор фермер хўжалиги бошлиғи ёки оилавий пудратчи бўлса, у томонидан иш фаолиятининг сўнгги уч йилдаги маҳсулот етказиб бериш шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими (оилавий пудратчи бўйича эса — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими) томонидан берилган маълумотнома асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Агар талабгор қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари раҳбари ва мутахассислари бўлса, унда хўжаликнинг сўнгги уч йилдаги маҳсулот етказиб бериш контрактация шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотнома асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Бунда энг юқори балл, барча турдаги маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартномаларни йиллар бўйича бажарилишига қараб мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган тартибда берилади.

21. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашнинг иккинчи босқичида комиссия томонидан талабгорлар таклифларининг иқтисодий асосланганлиги баҳоланади.

Таклифларнинг иқтисодий асосланганлиги талабгорнинг аризаси ва бизнес-режасини, зарур ҳолларда эса, тавсиянома хатларини таҳлил этиш асосида 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Таклифларнинг иқтисодий асосланганлигини баҳолашда ариза ва бизнес-режа-

да назарда тутилган мақсадларга эришиш қанчалик ҳақиқатга яқинлиги, шунингдек талабгорнинг ер майдонидан кўп йиллик ўртача кўрсаткичдан кам бўлмаган ҳосилдорликни таъминлаш, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш схемасига риоя этган ҳолда 10 йил муддат мобайнида ишлаб чиқариш ихтисослашувини ўзгартирмаслик, алмашлаб экишга риоя этган ҳолда давлат эҳтиёжлари учун махсулот сотиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, кредиторлик қарзларини белгиланган муддатларда тўлаш каби мажбуриятларининг тўлиқлиги ва уларни бажариш имкониятлари ҳисобга олинади.

22. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашнинг биринчи ва иккинчи босқичлари бир вақтнинг ўзиде ўтказилади. Бунинг учун танлов эълон қилинган кундан бошлаб 21 кундан кейин, лекин 25 кундан кечиктирмай, комиссия аъзоларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Йиғилишда талабгорнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича тегишли баллни бериш масаласи комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган кўрсаткичлар асосида кўпчилик овоз билан ҳал этилади ва ҳар бир кўрсаткич бўйича битта балл берилади.

Йиғилишда комиссия аъзоларининг кўпчилик овозига кўра қўйилган рейтинг баллари танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақасига қўйилади. Ушбу варақа танлов ўтказилган куниёқ мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилиб, комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

23. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш босқичларида энг юқори рейтинг баллари тўплаган талабгорлар комиссия қарорига кўра танловда иштирок этиш учун тавсия қилинади.

Бунда олган бали энг юқори балл олган талабгордан 10 баллгача ёки 10 баллга фарқ қилган талабгорлар энг юқори балл олган талабгорлар ҳисобланади ва танловда иштирок этиш учун тавсия этилади.

Қолган талабгорлар танловда иштирок этиш учун тавсия этилмайди ва бундай талабгорларга танловдан олинганлиги тўғрисида ёзма равишда рад жавоби берилади.

Бир лойиҳага талабгорларнинг сони учтадан кам бўлса, олган баллари миқдоридан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси танловда иштирок этиш учун тавсия қилинади.

24. Танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарор мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда қабул қилинади, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади ҳамда кейинги кундан кечиктирмай танловда иштирок этишга тавсия этилган талабгорлар рўйхати эълон қилинади.

Комиссия томонидан танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарор билан биргаликда танловни ўтказиш шартлари ҳам эълон қилинади.

25. Танловни ўтказиш қоидалари ва талабларига риоя этмаган, қонун ҳужжатларига асосан талабгорлар деб эътироф этилмаган, танловда иштирок этиш учун аризаларни ўз вақтида тақдим этмаган шахслар танловда иштирок этишга қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун ёлғон маълумотлар ва сохта ҳужжатлар тақдим этган шахслар ҳам танловда иштирок этишга қўйилмайди.

26. Комиссия танловда иштирок этишга қўйилган шахслар тўғрисидаги тўлиқ ахборотни танлов ўтказиладиган бинода манфаатдор шахслар эътиборига етказишлини таъминлайдиган тарзда ёзма шаклда эълон қилиши, шунингдек танловда иштирок этишга қўйилмаган шахсларга ёзма шаклда асосли рад жавобларини йўллаши шарт.

27. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчини танлашда талабгор сифатида эътироф этилган, бироқ тўплаган балларига асосан тегишли лойиҳага танловда иштирок этиш учун қўйилмаган талабгорлар тўплаган балларини сақлаб қолган ҳолда бошқа лойиҳалар (ариза тушмаган ёки аризалар сони кам бўлган лойиҳалар) бўйича ўтказиладиган танловда қатнашиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Бундай талабгор бошқа лойиҳага танлов ўтказилгунга қадар комиссияга ариза билан мурожаат қилиши ва аризага фақатгина Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақасини илова қилиши кифоя.

28. Танловда иштирок этиш учун танлаб олинган қатнашувчи ўз аризасини бир лойиҳадан олиб, танлов ўтказилганга қадар аввал тўплаган балларини сақлаб қолган ҳолда шу хўжаликдаги бошқа лойиҳадаги ер майдонига бериш ҳуқуқига эга. Бундай талабгор бошқа лойиҳага танлов ўтказилгунга қадар комиссияга ариза билан мурожаат қилиши ва аризага фақатгина Танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги комиссия қарорини илова қилиши кифоя.

III. Танлов ўтказиш ва ғолибни аниқлаш тартиби

29. Танлов уни ўтказиш тўғрисида эълон қилинган кундан сўнг бир ойдан кейин ўтказилади ва унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

30. Танлов энг кўп ариза тушган лойиҳалар бўйича бошланиб, аризаларнинг сони камайишига қараб навбатма-навбат ўтказилиши керак.

31. Комиссия аъзолари томонидан ҳар бир талабгорнинг қобилияти, тегишли билими, ишбилармонлиги ва савияси, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш ва бошқариш бўйича берилган савол-жавоблар асосида 10 балли шкала билан баҳоланади. Танлов варақаси ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ ҳар бир комиссия аъзоси томонидан шахсан тўлдириб имзоланади ва комиссия раисига топширилади.

32. Танловда ҳар бир комиссия аъзоси томонидан талабгорга қўйилган баллар йиғиндиси комиссияда балл қўйган аъзолар сонига бўлинади ва талабгорга қўйилган ўртача балл ҳисоблаб чиқарилади.

33. Танловда қатнашиш учун танлаш босқичида тўпланган балл ва танловда олинган ўртача балл йиғиндиси талабгорнинг якуний бали ҳисобланади.

Талабгорнинг якуний балининг намунавий ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг 6-иловасида кўрсатилган.

34. Энг кўп якуний балл тўплаган талабгор танлов ғолиби деб комиссия раиси томонидан эълон қилинади.

Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларини фермер хўжалиги юритиш учун бериш бўйича ўтказиладиган танловларда бошқа барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда мазкур қишлоқ хўжалиги корхонаси аъзосига имтиёз берилади.

35. Комиссия якуний йиғилишининг баённомаси мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган шаклда икки нусхада тузилиб, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия якуний баённомаси қўшимча равишда ушбу корхонанинг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланади.

36. Агар битта лойиҳага фақат битта талабгордан ариза келиб тушган бўлса, у ҳолда танлов муддати тугагандан сўнг ушбу лойиҳага белгиланган тартибда қайта

танлов ўтказилади. Қайта танловда ҳам ушбу лойиҳага бошқа талабгорлардан ариза келиб тушмаса, комиссиянинг бир овоздан қабул қилган қарори билан талабгорга ушбу лойиҳадаги ер участкаси берилиши мумкин. Бунда, талабгорнинг тақдим этган ҳужжатлари ва ўтказилган суҳбат натижасида олган бали танловда қатнашган ва энг юқори балл олган талабгор балининг ярмидан кам бўлмаслиги лозим. Бу ҳақда комиссия йиғилиши баённомасига тегишли ёзув киритилади.

37. Комиссиянинг якуний йиғилиши баёни ва унга илова қилинган ҳужжатлар туман ҳокимига юборилади.

IV. Фермер хўжалиги ташкил этишда талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш ишлари бўйича ҳужжатларни юритиш

38. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия ва Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссияларнинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш бўйича ҳужжатлари комиссия котиблари томонидан юритилади. Комиссия котиби, қоида тарикасида, туман ҳокимлиги ходими бўлади.

39. Комиссиянинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатлари туман ҳокимлигида ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерлар бўйича алоҳида йиғма жилдларда сақланади. Мазкур ҳужжатлар фермер хўжаликларининг барчаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 2 ҳафта мобайнида туман ҳокимлигининг идоравий архивига топширилади.

40. Ҳар бир йиғма жилдда қуйидаги ҳужжатлар тикилиши лозим:

а) лойиҳалар бўйича барча танловларга талабгорлар томонидан тақдим этилган аризалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

б) комиссиянинг танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонлари;

в) танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақаси;

г) комиссиянинг ҳар бир лойиҳа бўйича талабгорларни танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарорлари;

д) ҳар бир комиссия аъзоси томонидан тўлдирилган танлов варақалари;

е) танлов якуни бўйича қўйилган баллар ҳисоб-китоби;

ж) танлов ўтказиш якунлари юзасидан комиссия томонидан қабул қилинган баённомалари;

з) талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар.

Жилдга рейтинг баллари беришга асос бўлган барча ҳужжатлар (шу жумладан асли тақдим этилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари) тикилиши шарт.

Шунингдек, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини бериш бўйича талабгорларнинг йиғма жилдларида мажбурий тартибда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси активлари ва пасивларини, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари мулкӣ пайларини хатловдан ўтказиш ва баҳолаш бўйича, ортиқча асосий ва айланма маблағларни, шунингдек фойдаланиш муддати тугаган воситаларни кимошди савдосида ёки очиқ савдода сотиш бўйича, қайта

ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси балансида бўлган ижтимоий ва бошқа инфратузилмаларни маҳаллий ҳокимликлар ёки бошқа ташкилотлар балансига бериш бўйича ҳамда мол-мулкларни ҳисобдан чиқариш бўйича барча ҳужжатлар тикилиши лозим.

41. Комиссиянинг фаолиятига доир ҳужжатларни тўлиқ юритилиши, сақланиши ва белгиланган муддатларда архивга топширилишига комиссия раиси ва котиби шахсан жавобгар ҳисобланади.

V. Яқуний қоидалар

42. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар Комиссия томонидан амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган тартибда ҳал этилади.

43. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.


Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари А. САЛИМОВ

Тошкент ш.,
20054 йил 18 ноябрь

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
20054 йил 18 ноябрь

Фермер хўжаликларини ташкил этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш СХЕМАСИ



Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда талабгорларнинг имкониятларини баҳолайдиган РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ

Т/Р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллари	Тақдим этиладиган ҳужжатлар
1.	Мутахассислиги	Фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассисликка эга Агроном, иқтисодчи, юрист Инженер, ҳисобчи, механик, зоотехник, ветеринар Бошқа мутахассис	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 5 балл	Маълумот тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
2.	Қишлоқ хўжалигидаги иш стажи	15 йил ва ундан юқори 10 йилдан 15 йилгача 5 йилдан 10 йилгача 3 йилдан 5 йилгача 1 йилдан 3 йилгача	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 6 балл	Меҳнат дафтарчаси ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
3.	Маълумоти	Олий Ўрта махсус Ўрта	10 балл 7 балл 5 балл	Маълумот тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
4.	Фермерликка талабгор юридик ва жисмоний шахснинг ҳисоб varaғидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағи ёки мол-мулки	10 млн. сўмдан юқори 5 млн. — 10 млн. сўмгача 1 млн. — 5 млн. сўмгача 500 мингдан — 1 млн. сўмгача	10 балл 8 балл 6 балл 4 балл	Банк маълумотномаси. Танловга мол-мулк тақлиф этилган тақдирда, унинг баҳосини ва унга эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат
5.	Талабгорга ёки унинг оила аъзоларига (оила аъзоларининг нотариал тасдиқлаган розилиги билан) тегишли яроқли техника	Ҳайдов трактори ёки ўрим техникаси Ишлов бериш трактори Транспорт трактори Юк машинаси Енгил машинаси Бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси	10 балл 9 балл 8 балл 2 балл 1 балл 1 балл	Техник паспорт
6.	Оилавий пудратчи ёки фермер хўжалиги, ширкат хўжалиги ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари ва мутахассислари учун сўнгги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бажарилиши	3 йил сурункали бажарганда 3 йилдан 2 йил бажарганда 3 йилдан 1 йил бажарганда	8—10 балл 6—8 балл 4—6 балл (энг юқори балл барча турдаги маҳсулот етказиш шартномалари бажарилганда берилади)	туман статистика бўлими ёки қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан берилган маълумотнома
7.	Аризада ва бизнес режада баён қилинган тақлифларнинг иқтисодий асосланганлиги	Аризадаги тақлифлар ва бизнес режанинг асосий кўрсаткичларидан келиб чиқилади	5 баллдан 10 баллгача	Ариза, бизнес режа ва зарур ҳолларда тавсиянома хатлар

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга 3-ИЛОВА

**Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш
ВАРАҚАСИ**

Т/р	Талабгорнинг Ф.И.Ш.	Мутахассислиги учун балл	Маълумоти учун балл	Иш стажи учун балл	Мол-мулки ва маблағи учун балл	Техник воситаси учун балл	Шартнома мажбуриятларини бajarганлик учун балл	Иқтисодий асосланганлиги учун балл	Жами балл
1.									
2.									
3.									
4.									
5.									

Комиссия раиси:

Имзолар

Комиссия аъзолари

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

Фермер хўжалигини юритиш учун ер
участкаларини беришда танлов қолибини
аниқлаш тартиби тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

**Талабгорларни _____-сонли лойиҳа бўйича ер участкасига
танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисида**

_____ тумани _____ бўйича
комиссияси _____-сонли лойиҳа бўйича ер участкасига танловда иштирок этишга ариза
берган талабгорларнинг ариза ва ҳужжатларини ўрганиб, уларнинг имкониятлари-
ни баҳолаш асосида қуйидаги талабгорларни танловда иштирок этишга тавсия қилади:

Т/р	Талабгорнинг Ф.И.Ш.	Рейтинг бали
1.	_____	_____
2.	_____	_____
3.	_____	_____
4.	_____	_____
5.	_____	_____

Танлов 20__ йил «_____» _____ соат _____ да қуйидаги манзилда
ўтказилади:

Комиссия раиси:

Комиссия аъзолари:

Котиб

Фермер хўжалигини юритиш учун ер
участкаларини беришда танлов ғолибини
аниқлаш тартиби тўғрисида низомга
5-ИЛОВА

ТАНЛОВ ВАРАҚАСИ

_____ туманидаги _____ бўйича
туман ҳокимининг 2004 йил «__» _____ даги «__» сонли қарори билан
ташқил этилган _____ бўйича
комиссиянинг аъзоси _____

(Ф.И.Ш.)

200__ йил «__» _____ да _____ -сонли лойиҳа бўйича танловга қатнашган
талабгорларга балл қўйиш варағи

Талабгорларнинг Ф.И.Ш.	Талабгорларга қўйилган балл (10 балли шкала бўйича баҳоланади ва сўз билан ёзилади)
1.	
2.	
3.	
4.	
5.	
6. в. б.	

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга
6-ИЛОВА

Фермер хўжалигини ташкил этиш бўйича талабгорларга танлов якуни бўйича қўйилган балларнинг намунавий ҲИСОБ-КИТОБИ

Комиссия аъзоларининг Ф.И.Ш.		Талабгорлар			
		Б. Ёқубов	Н. Болтаев	В. Эгамов	П. Сотимов
I	Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни аниқлашда тўпланган балл	45	46	51	51
Танловда комиссия аъзолари томонидан қўйилган баллар					
1	Й. Аршабоев	7	8	10	10
2	Р. Аҳмедов	6	7	10	8
3	А. Абдусаматов	4	6	10	7
4	А. Эргашев	7	4	10	9
	...				
10	Ш. Эрназаров	9	9	10	5
	жами балл	68	70	90	80
II	Танловдаги ўртача балл (жами тўплаган баллни танловда қатнашган комиссия аъзолари сонига (10га) бўлиб топилади).	6,8	7	9	8
III	Умумий балл (I + II)	51,8	53	60	59

Комиссия раиси _____

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Комиссия аъзолари:

1. _____

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

2. _____

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

3. _____

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

4. _____

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

.....

10. _____

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Фермер хўжалигини юритиш учун ер
участкаларини беришда танлов ғолибини
аниқлаш тартиби тўғрисида низомга
7-ИЛОВА

_____ тумани _____ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИНING
(комиссиянинг номи)

_____ -сонли баённомаси

_____ ҚИШЛОҒИ «____» _____ 200_ йил

Раислик қилди:

_____ (комиссия раиси Ф.И.Ш.)

Қатнашдилар:

_____ (комиссия аъзоси Ф.И.Ш.)

_____ (комиссия аъзоси Ф.И.Ш.)

Кун тартиби

_____ фермер хўжаликларини ташкил этиш
учун ўтказилган танлов яқунлари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси _____ ахбороти эши-
тилди. _____

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

_____ фермер хўжаликларини ташкил этиш учун ўтказилган танлов яқун-
лари қуйидагича тасдиқлансин.

Т/р	Танлов ғолибининг (Ф.И.Ш.)	Ер лойиҳаси	Майдони, га	Тўплаган, бали
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				

Комиссия раиси

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Комиссия аъзолари

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Котиб

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

359 Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар
учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғриси-
да низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
28 ноябрда 1524-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 8 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–3594-сонли Фармонига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15, 16-сон, 109-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 3 август,
61-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 3 август,
2005-40-сон

Иқтисодиёт вазири биринчи ўринбосари Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2005 йил 3 август,
60-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

360 Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш
воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник
сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқ-
лаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
28 ноябрда 1525-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 8 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги ва «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 сентябрь,
01-1/54-сон

«Ўзстандарт» агентлиги Бош директори Р. БЎРИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 сентябрь,
1-сон

Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
«Ўзстандарт» агентлигининг
2005 йил 30 сентябрдаги 01-1/54, 1-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш
воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификат
бериш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Радиацион хавфсизлик тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарорига мувофиқ норматив ҳужжатларида гигиеник нормалар ва талаблар мавжуд бўлган республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб кириладиган маҳсулотларга (қуйида — маҳсулотлар) гигиеник сертификат(хулоса)ларини бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қисм

1. Гигиеник сертификат — маҳсулотларнинг норматив ҳужжатларида белгиланган гигиеник нормалар ва талабларга, шунингдек, амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

2. Гигиеник сертификат норматив ҳужжатларида гигиеник нормалар ва талаблар мавжуд бўлган маҳсулотларга берилади.

3. Гигиеник сертификат бериш учун маҳсулот экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомда белгиланганидан ошмаган миқдорларда ариза берувчи маблағлари ҳисобига ўтказилади.

4. Маҳсулотлар экспертизаси норматив ҳужжатларида гигиеник нормалар ва талаблар мавжуд бўлган:

янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганда;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркиби ўзгарганда;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик жараёнининг конструкциялари, комплектациялари ўзгарганда;

тажриба учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларга;

республика ҳудудига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли молларига;

маҳсулот ишлаб чиқариш учун берилган гигиеник сертификатининг яроқлилик муддати тугаганда ўтказилади.

5. Маҳсулотларни гигиеник кўрсаткичларини аниқлаш учун синовлар фақат ҳудудий Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг (қуйида — ДСЭНМ) Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитация тизимида аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида (қуйида — лаборатория), аккредитация соҳасига мувофиқ амалга оширилади.

6. Бир-бирини такрорловчи синовлар ўтказилишининг олдини олиш мақсадида ДСЭНМларнинг аккредитация қилинган лабораториялари бошқа аккредитация қилинган ДСЭНМларнинг лабораториялар синов натижаларини тан олишлари лозим.

II. Гигиеник сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби

7. Маҳсулотларни гигиеник сертификатлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:
аризани қабул қилиш;
аризага илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш;
маҳсулот экспертизаси режасини тузиш;
гигиеник сертификат бериш ишлари учун шартнома тузиш;
ишлаб чиқариш объектида санитария текшируви ўтказиш ва лаборатория синовлари учун маҳсулотларнинг намуналарини олиш;
лаборатория синовларини ўтказиш;
гигиеник сертификатни бериш.

§ 1. Аризани қабул қилиш, ҳужжатларни ўрганиш ва маҳсулот экспертизаси режасини тузиш

8. Гигиеник сертификатлаштириш ўтказилиши учун ариза берувчи ҳудудий ДСЭНМ Бош врачлари номига мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган шаклда ариза билан мурожаат қилади.

9. Аризага ишлаб чиқариладиган маҳсулотга норматив ҳужжатнинг (Давлатлараро стандарт — ДС, Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти — O'zDSt, Техник шартлар — TSh; ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари учун — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган технологик йўриқнома ва рецептура) нусхаси илова қилинади.

Четдан олиб келинадиган маҳсулотга гигиеник сертификат олиш учун қўшимча равишда:

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келганлик тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда товарга илова қилинадиган ҳужжатларнинг (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхалари;

ишлаб чиқарувчининг келиб чиқиш мамлакати сертификати (товарнинг келиб чиқиши тўғрисида ишончли маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда) нусхалари тақдим этилади.

10. Гигиеник сертификат бериш бўйича ариза келиб тушган куни ижро учун ҳудудий ДСЭНМ бош врачлари имзо(виза)си билан хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи Гигиеник сертификат бериш билан шуғулланувчи бўлим (бўлинма) мудирига берилади.

11. Бўлим (бўлинма) мудирлари соҳа мутахассислари — овқатланиш гигиенаси, меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлимлари ва бошқа бўлим врач-мутахассислари билан биргаликда ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

Агарда ҳужжатлар тўлиқ ҳолда тақдим қилинган бўлса, маҳсулотларнинг турига қараб, экспертиза режаси (намуналар олиш, ишлаб чиқариш объектини текшириш, лаборатория (санитария-химёвий, бактериологик, радиологик, токсикологик) синовлари ўтказиш тузилади ва гигиеник сертификатлаштиришни ўтказишга масъул бўлган санитария врачлари тайинланади.

Маҳсулот экспертизаси режаси тузилганидан кейин ариза берувчи билан гигиеник экспертиза ўтказиш ва гигиеник сертификат бериш тўғрисида шартнома имзоланади.

Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи билан тузиладиган шартномада маҳсулотнинг норматив ҳужжатларида кўрсатилган хавфсизлик кўрсаткичларига мослигини дав-

рий равишда (тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳар чорақда, қолган озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларига (олти ойда бир марта ва ҳ.к.) аниқлаш учун лаборатория синовлари ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатилиши назарда тутилиши мумкин.

12. Ҳужжатлар тўлиқ ҳолда тақдим қилинмаган тақдирда ҳудудий ДСЭНМ томонидан икки кунлик муддат ичида ариза берувчига қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда гигиеник сертификат бериш рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда маълум қилинади.

13. Илгари сертификатланмаган (синалмаган) махсус қўлланиладиган биологик актив моддалар ёки озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларининг озиқ-овқат қўшимчалари қўллаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёки маҳсулотларни четдан келтиришда ҳудудий ДСЭНМ тегишли рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачига мурожаат қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачлари томонидан рухсатнома бериш уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Рухсатнома берилган маҳсулот Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария эпидемиология назорати Департаменти томонидан юритиладиган маҳсулотлар реестрига киритилади (ҳамда рухсатнома рўйхатдан ўтказилади). Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатга олинган маҳсулотлар реестри ҳар чорақда Республика ДСЭНМ орқали ҳудудий ДСЭНМ раҳбарларига етказилади.

14. Маҳсулот келиб чиқишига кўра, ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсига тегишли бўлган тақдирда, масъул санитария врачлари хужжатлар олинган санадан кейинги кундан кечикмай, ветеринария ёки фитосанитария хулосаси бериш бўйича ваколатли органларга мурожаат қилади.

15. Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси давлат ветеринария назоратининг туман (шаҳар) органлари ёки ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари томонидан берилади.

16. Давлат ветеринария назорати органи йигирма кунгача бўлган муддат билан белгиланган тартибда ажратиб қўйиш-чеклаш тадбирларини (карантин) белгилаши мумкин. Бунда ветеринария хулосаси бериш тартиботи карантин муддати тамом бўлгунга қадар тўхтатиб турилади. Ветеринария ёки фитосанитария хулосасини тайёрлаш ва бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

17. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тегишли хулосалар олиш учун ветеринария ва фитосанитария назорати органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

§ 2. Ишлаб чиқариш объектини санитария текширувидан ўтказиш ва маҳсулотлардан намуналар олиш

18. Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин масъул санитария врачлари томонидан белгиланган тартибда ишлаб чиқариш объектини текшириш ва/ёки лаборатория синовлари учун намуналар олиш мақсадида жойнинг ўзига борилади.

19. Маҳсулотларга гигиеник сертификат бериш уларни ишлаб чиқариш техник ускуналарига гигиеник сертификат олишни талаб қилган ҳолларда аввал техник ускуналарга гигиеник сертификат олиниши лозим.

Бунинг учун масъул санитария врачлари томонидан лаборатория мутахассиси билан биргаликда ишлаб чиқариш корхонасидаги техник ускуналардан суртмалар олина-

ди ҳамда икки нусхада мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклда санитария текшируви далолатномаси расмийлаштирилади. Далолатнома масъул санитария врачлари, лаборатория мутахассиси ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланиб, унинг бир нусхаси маҳсулот эгаси ёки унинг вакилига берилди.

Суртмалар техник ускунанинг бевосита маҳсулотга тегиб турадиган жойидан олинади.

Технологик ускунадан олинган суртмалар лабораторияга топширилади.

20. Республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга гигиеник сертификат олиш учун маҳсулотларнинг намунавий партияси ишлаб чиқарилади.

21. Маҳсулот экспертизаси ўтказилишида маҳсулот бўйича тақдим этилган ҳужжатларнинг маҳсулотларга мувофиқлиги таққосланади.

Шунингдек, маҳсулотларни ташишда қўлланиладиган транспорт воситасининг санитария ҳолати, маҳсулотларни сақлаш шароитларига баҳо берилди.

22. Маҳсулот идишлари, ўров материалларининг ҳолати бўйича қуйидагилар ўрганилади:

номи, шифри, нави, ТИФ ТН коди;

маҳсулот ишлаб чиқарувчининг номи;

истеъмолга яроқлилик ва ишлаб чиқарилган муддати (яроқлилик муддати тугаган маҳсулотлар экспертизадан ўтказилмайди);

норматив ҳужжат(лар)ининг рўйхат рақамлари;

маҳсулотларни сақлаш шароити, бузилиш аломатлари, ифлосланганлиги, бегона ҳидларнинг бор ёки йўқлиги;

маҳсулот шиша идишларда бўлса, уларнинг берклиги;

озик-овқат маҳсулотларини ташиш, қадоқлаш материаллари, ёрдамчи материаллар хавфсизлик кўрсаткичларининг санитария қоида ва меъёрлари талабларига жавоб бериши.

23. Маҳсулотларнинг сифатига шубҳа туғилмаган тақдирдагина уларнинг мазаси тотиб кўрилиши мумкин.

24. Ишлаб чиқариш корхонасини ёки республика ҳудудига олиб кириладиган маҳсулотларнинг санитария текшируви натижалари бўйича икки нусхада мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклда корхона санитария текшируви далолатномаси тузилади. Далолатнома масъул санитария врачлари ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланиб, унинг бир нусхаси маҳсулот эгаси ёки унинг вакилига берилди.

25. Масъул санитария врачлари маҳсулот намунасини бактериологик, токсикологик, кимёвий ҳамда радиологик синовлари учун норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда олади ва икки нусхада мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклда намуна олиш далолатномаси тузади. Далолатнома санитария врачлари ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Унинг бир нусхаси маҳсулот эгаси ёки унинг вакилига берилди.

26. Намуналар тоза идишга жойланади, маркаланади, сурғучланади ва масъул санитария врачлари томонидан намуна олинганлиги тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси билан аккредитациядан ўтган ДСЭНМ лабораториясига тақдим қилинади. Бактериологик синовлар учун олинган намуналар стерилланган идишда ёки оригинал ўрамда жўнатилади.

27. Олинган намуналар маҳсулот партиясини тўлиқ равишда акс этириши лозим.

28. Тури бир хил, нави ва номланиши бир хил, бир сменада ишлаб чиқарилган ва технологик жиҳатдан бир хил ишловдан ўтган маҳсулот бир хил партия ҳисобланади.

Битта ишлаб чиқариш объектида тайёрланган, маълум ҳажм ва оғирликдаги, бир хил юк хати ва сифат сертификатига эга бўлган маҳсулот бир хил юк партияси ҳисобланади.

§ 3. Лаборатория синовлари ўтказиш тартиби

29. Лабораторияга келтирилган намуналар махсус журналда қайд этилади ва улар бўйича синовлар бошланади.

30. Маҳсулотлар бўйича норматив ҳужжатларида белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда санитария-гигиеник, бактериологик, токсикологик, радиологик синовлари ўтказилади.

31. Маҳсулотларнинг хавфсизлик кўрсаткичлари санитария норма ва қоидаларида ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган усуллар бўйича аниқланади.

32. Тез бузилувчи маҳсулотлардан олинган намуна бўйича 4 соатлик муддат ичида синов бошланиши лозим.

33. Маҳсулотларни синашнинг аниқ муддати синовларнинг тегишли усуллари учун норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади.

34. Сақлаш муддати турғун бўлган маҳсулотлар лабораторияда 10 кун муддатгача сақланади. Текширув натижасида маҳсулот таркибида зарарли ёки захарли моддалар аниқланган тақдирда (рухсат этилган норматив талаблардан ошганлиги аниқланганда) маҳсулот намуналари синов натижалари берилгандан сўнг 20 кун мобайнида сақланади.

35. Намуна қолдиқлари синов натижалари берилгунгача сақланиб, сўнг лаборатория мудирини рухсати билан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Технологик асбоб-ускуна, халқ истеъмоли буюмлари, хусусиятини йўқотмаган қимматбаҳо буюмлар маҳсулот эгасига ҳужжат асосида қайтарилади. Текширилган озиқ-овқат намуналарининг қолдиғи маҳсулот эгасига қайтарилмайди.

Намунани топшириш ёки йўқ қилиш тўғрисида икки нусхада далолатнома тузилади.

36. Маҳсулот намуналарининг лабораториядаги синов натижалари мазкур Йўриқноманинг 4-иловасида келтирилган баённома шаклида расмийлаштирилади ҳамда масъул санитария врачлари ва ариза берувчига тақдим қилинади.

37. Ўтказилган синовларнинг, лаборатория текширувларининг ҳаққонийлиги ва сифатлилигига лаборатория жавобгар ҳисобланади.

38. Синов баённомаси маҳсулот намунасигагина тааллуқли.

39. Масъул санитария врачлари тақдим қилинган лаборатория синов натижаларига асосан мазкур синов баённомасига ўз хулосасини ёзади. Хулоса маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ёки олиб кирилаётган маҳсулотларнинг партиясига берилади.

40. Лаборатория синов баённомаси, намуна олиш далолатномаси, санитария текшируви далолатномалари билан биргаликда масъул санитария врачлари томонидан хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи Гигиеник сертификат бериш билан шуғулланувчи бўлим (бўлинма) мудирига тақдим этилади ҳамда ҳудудий ДСЭНМ бош врачлари томонидан тасдиқланади.

41. Лаборатория синовларининг салбий натижалари гигиеник сертификат беришни рад этиш учун асос ҳисобланади, бу ҳақда қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатилган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда маълум қилинади.

§4. Маҳсулотларнинг токсикологик синовдан ўтказиш хусусиятлари

42. Қуйидаги маҳсулотларга ва материалларга токсикологик синовлар ўтказилади:

кундалик турмушда ишлатиладиган кимёвий воситалар (лак, бўёқ, елим, эритувчи суюқлик, ювиш воситаси ва бошқалар);

полимер ва синтетик материаллардан тайёрланган қурилиш ва иншоот материаллари (полимер материаллар, ўров материаллари, уй-рўзғор буюмлари, сопол ва керамика буюмлари);

кундалик турмушда фойдаланиладиган уй-рўзғор буюмлари;

полимер ва синтетик материаллар, пластмассалар ва улардан ишланган буюмлар;

каучук ва резина буюмлари;

елимланган фанера, фанерланган ёғоч панел ва ёғоч қатламларидан ясалган ҳамда шунга ўхшаш материаллар;

хожатхона қоғози, салфеткалар, сочик, дастурхон ва бошқа уй-рўзғор, санитария-гигиена мақсадлари учун ишлатиладиган қоғоз турлари, пахта ва целлюлозадан тайёрланган маҳсулотлар, қоғоздан ишланган идишлар;

тўқима ва тўқимачилик маҳсулотлари (болалар ассортименти);

пойабзал, бош кийимлар (болалар ассортименти);

сопол буюмлар;

шиша ва ундан тайёрланган буюмлар;

мис ва ундан ишланган буюмлар;

алюминий ва ундан ишланган буюмлар.

43. Токсикологик синов намунани қабул қилиш; намунани текширишга тайёрлаш; бирламчи ишлов бериш; материал ёки маҳсулотни физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш; захарлилик ёки хавфсизлик кўрсаткичларини аниқлаш босқичларида ўтказилади.

44. Токсикологик-гигиеник синовларни ўтказиш норматив ҳужжатларда баён этилган усуллар асосида олиб борилиши лозим.

45. Лаборатория синов натижалари токсикологик ҳулоса тарзида токсикология бўлими мутахассислари томонидан ёзилиб, бўлим мудири имзоси билан санитария врачига тақдим қилинади.

46. Материал ёки маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ёки уларни қўлланилишини амалга ошириш шароитларига оид масалалар санитария врачлари ва токсикология бўлими ходимлари ҳамкорлигида ҳал қилиниши лозим.

47. Янги, ўрганилмаган ва қайта синтезланган кимёвий моддалар бўйича қуйидагича токсикологик экспертиза ўтказилиши керак:

кимёвий моддаларни лаборатория ҳайвонларида (оқ каламуш, оқ сичқон, куён, денгиз чўчкачаси) тажриба асосида ўткир захарлилик даражасини аниқлаш-ошқозон орқали моддани юбориш усули билан ўлимга олиб келувчи ўртача дозани (ЛД₅₀) аниқлаш;

моддаларнинг терида ўзгаришлар келтириб чиқариш хусусиятларини аниқлаш;

моддаларнинг тери орқали сўрилиш даражасини аниқлаш;

моддаларнинг кумулятив хусусиятларини ўрганиш (функционал ёки моддий).

48. Барча олинган натижалар бўйича ўрганилган модданинг захарлилик даражасини аниқлаш лозим.

§ 5. Гигиеник сертификатни расмийлаштириш ва бериш тартиби

49. Масъул санитария врачлари томонидан маҳсулотларнинг экспертизаси натижаларини таҳлил қилиб, санитария-гигиеник, бактериологик, токсикологик, радиологик хавфсизлик меъёрлари талаб даражасида эканлигини асослаган ҳолда мазкур Йўриқноманинг 5-иловасида келтирилган шаклда гигиеник сертификат расмийлаштирилади. Бунда маҳсулотнинг инсон саломатлиги ва атроф муҳитга зарарсизлиги, хавфсизлиги кафолатланади.

Гигиеник сертификат ҳудудий ДСЭНМ Бош врачлари имзоси ва ушбу муассасанинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади, унга синовлар баённомаси нусхалари илова қилинади.

Агар гигиеник сертификатлаштириш билан бир вақтда маҳсулотнинг фитосанитария ёки ветеринария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги синовдан ўтказилган тақдирда, ариза берувчига тегишлича фитосанитария сертификати ёки ветеринария хулосаси ҳам берилади.

50. Фитосанитария сертификати ёки ветеринария хулосаси олиниши ҳисобга олинган ҳолда маҳсулотларга гигиеник сертификатни бериш муддати 14 иш кунидан ошмаслиги керак. Бундай ҳолларда ҳудудий ДСЭНМ Бош врачлари аризачини гигиеник сертификатини бериш муддати узайганлиги ҳақида асосланган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилиши керак.

51. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга гигиеник сертификат 3 йил муддатга, олиб кириладиган маҳсулотларга эса, ўша партиянинг ўзигагина яроқлилик муддати тугагунга қадар берилади.

52. Гигиеник сертификат нусхаси ариза, шартнома, бирламчи ҳужжатлар, санитария текшируви ва намуна олиш далолатномалари, лаборатория синови баённомалари билан биргаликда 3 йилгача муддатга, олиб кириладиган маҳсулотларга эса берилган гигиеник сертификатининг яроқлилик муддати тугагунга қадар архивда сақланади.

III. Яқунловчи қоидалар

53. Ариза берувчи гигиеник сертификат ёхуд фитосанитария ва ветеринария хулосалари беришнинг рад этилганлиги юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

54. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси билан келишилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 сентябрь

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 сентябрь

Савдо-саноат палатаси раиси А. ШАЙХОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 сентябрь**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария
Бош бошқармаси бошлиғи Т. УМАРОВ**Тошкент ш.,
2005 йил 28 сентябрь**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўсимликлар карантини Бош
Давлат инспекцияси бошлиғи М.Ж. ЖУМАНИЁЗОВ**Тошкент ш.,
2005 йил 28 сентябрьОзиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб
чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли
молларига гигиеник сертификати бериш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА_____ ДСЭНМ бош врач
(маъмурий хууд номи)_____ га
Ф.И.Ш.

_____ (ариза берувчи — жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.

_____ юридик шахснинг номи ва юридик манзили)

_____ ва раҳбарининг Ф.И.Ш.

А Р И З А_____ Сиздан _____
(ариза берувчининг номи) (маҳсулот ишлаб чиқарилган

_____ мамлакат номи ёки ишлаб чиқариш манзили)

_____ (маҳсулотнинг тўлик номи, ассортиментни ва партиясини)

_____ ни
ишлаб чиқариш/сотиш учун гигиена сертификат беришингизни сўрайди.

Ушбу маҳсулот(лар) учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этамиз:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

Тўловни кафолатлаймиз.

Ариза берувчининг реквизитлари:

Банк муассасаси: _____

Ҳ/Р: _____

СТИР: _____

М.Ў. _____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

«___» _____ 200__ й.

Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб
чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли
молларига гигиеник сертификати бериш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
(тегишли ДСЭНМ муассасанинг номи)

БХУТ бўйича КТРК бўйича
Тиббий ҳужжат шакли-315/х

САНИТАРИЯ ТЕКШИРУВИ ДАЛОЛАТНОМАСИ

200__йил «___» _____

Мен _____
(масъул санитария врачлари Ф.И.Ш)

Қўйидагилар иштирокида _____
(маҳсулот эгаси)

_____ ёки унинг вакили Ф.И.Ш, лавозими)

_____ (санитария текшируви ўтказилган жой манзили)

санитария текшируви ўтказилди ва қўйидагилар аниқланди:

1. _____ (имзо)
(масъул санитария врачлари Ф.И.Ш)

2. _____ (имзо)
(маҳсулот эгаси ёки унинг вакили Ф.И.Ш)

(ишлаб чиқариш техник ускуналари санитария текширувидан ўтказилганда лаборатория мутахассиси иштирок этади ва санитария текшируви далолатномасини имзолайди)

Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 3-ИЛОВА

МАҲСУЛОТЛАРДАН НАМУНА ОЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

200____йил «____» _____ - сонли

Муассасанинг номи ва манзили _____

Намуна олинган вақти _____ Лабораторияга етказилган вақти _____

Етказиш ва сақлаш шароитлари _____

Намуна олишдан мақсад _____

Қўшимча маълумотлар _____

Наму- нанинг тартиб рақами	Намуналар номи (тури, нави)	Ишлаб чиқарувчи	И/ч санаси ва сменаси	Гуруҳ (партия) ўлчами ва тартиб сони	Намуна огирлиги ва ҳажми	Олинган маҳсулот нинг ҳужжат рақами	Идиш ва ўрамнинг тури	Намуна олишни асословчи ҳужжат	Синов мақсади	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Намуна олган масъул санитария врачлари _____ (Ф.И.Ш., лавозими) _____ (имзо)

Намуна олишда иштирок этган шахслар _____ (Ф.И.Ш., лавозими) _____ (имзо)

Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб
чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли
молларига гигиеник сертификати бериш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ (лаборатория мудирини ёки тегишли масъул шахс Ф.И.Ш.)

200__ «__» _____

**МАҲСУЛОТЛАРДАН ОЛИНГАН
НАМУНАЛАРНИ ТЕКШИРИШ
БАЁННОМАСИ**

200__ йил «_____» _____

Муассасанинг (лаборатория) номи _____
(аккредитация гувоҳномасининг рақами, манзили, телефони, факси)

Ариза берувчининг номи _____

Ишлаб чиқарувчининг номи _____

Маркалаш маълумотлари _____

_____ (партиянинг тартиб рақами, намуна рақами, ишлаб чиқарилган ва олинган сана)

Синов ўтказишдан мақсад (сабаб) _____

Текширув объекти учун норматив ҳужжат _____

Синов усуллари учун норматив ҳужжат _____

Синов ўтказиш шароитлари _____

_____ (харорат, намлик ва бошқа шароитлар)

Текширув ўтказишга жалб қилинган тараф _____

Синовлар ўтказиш натижалари

Кўрсаткичларнинг номи (талаблар)	Кўрсаткичларнинг аҳамияти (талаблар)		Кўрсаткичларнинг мослиги (талаблар)
	Норматив ҳужжат бўйича	Амалдаги	

Синов ўтказилган сана _____

Қўшимча маълумотлар _____

_____ (лаборатория мутахассиси Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб
чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли
молларига гигиеник сертификати бериш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
5-ИЛОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

(гигиена сертификати берувчи муассасанинг номи)

ГИГИЕНА СЕРТИФИКАТИ № 000000

«___» _____ 200__ йил

_____ гача ҳақиқий ҳисобланади.

маҳсулот номи, миқдори

Ишлаб чиқаришга, олиб келишга, сотишга, ишлатишга қўйидаги маълумотлар асо-
сида рухсат этилади.

Ишлаб чиқарувчи, ихтиро этувчи, олиб келувчи муассаса: _____

(муассаса номи ва юридик манзилгоҳ)

(импорт, экспорт, ҳудудий маҳсулотга алоқадор меъёрий ёки рухсатни асословчи ҳужжатлар)

Маҳсулотнинг сифатига токсиколо-гигиеник жиҳатдан изох: _____

Қўлланиладиган, ишлатиладиган соҳа: _____

Ишлатиш, ташиш, сақлаш ва хавфсизлигига оид шарт-шароитлар: _____

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

Махсус белгилар: _____

(гигиена сертификати берувчи муассаса бошлигининг фамилияси ва имзоси)

М.Ў

«___» _____ 200__ йил

«Давлат белгиси» ДИЧБ ТБФ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

361 Алкоголли маҳсулотга тўланадиган акциз солигининг бир қисмини ҳисоблаб чиқиш ва «Ўзмевасабзавот-узумсаноат-холдинг» холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
30 ноябрда 1526-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 октябрдаги ПП–204-сонли «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ва «Ўзспиртсаноат» ҳисадорлик компанияси корхоналарининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорига асосан **қарор қиламиз:**

1. Алкоголли маҳсулотга тўланадиган акциз солигининг бир қисмини ҳисоблаб чиқиш ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш тўғрисидаги низом* тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 ноябрь,
103-сон

* Низом рус тилидаги матнда берилган.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 ноябрь,
2005-65-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

362 Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толаси учун қўшимча чегирма бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 ноябрда 1527-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сонли «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси Бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 12-сон, 145-модда) ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова* қилинаётган Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толаси учун қўшимча чегирма бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 август,
82-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Иқтисодиёт вазири биринчи ўринбосари У. РОЗУҚУЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 август,
63-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 август,
РА-01/10-3641-сон

Давлат солиқ кўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 август,
2005-49-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ**363 Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан сўнг кучга киритилсин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўринбосари А.Қ. Қодиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 сентябрь,
19/5-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2005 йил 10 сентябрдаги 19/5-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида (кейинчалик матнда «банклар») молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (кейинчалик матнда «МҲХС») мувофиқ ҳолда юритиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари банкнинг ўз акцияларига, кредит ҳамда олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақларига, шунингдек, қимматбаҳо қоғозларнинг ҳосилаларига нисбатан қўлланилмайди.

II. Тушунчалар

3. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Молиявий восита (инструмент)лар — бир хўжалик юритувчи субъектда молиявий активнинг ва бошқа бир хўжалик юритувчи субъектда эса молиявий мажбурият ёки улушли воситаларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи ҳар қандай шартнома.

Молиявий актив — нақд пул маблағлари, шартномадан келиб чиқиб, бошқа хўжалик субъектларидан пул маблағларини ёки молиявий активларни олиш ва алмаштириш ҳуқуқи ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг улушли воситалари.

Молиявий актив (мажбурият) нинг пул моддалари — тасарруфдаги (эгаллик ҳуқуқидаги) пул маблағлари, шунингдек, қайд қилинган ёки ўрнатилган миқдордаги пул маблағлари суммасида олиниши ёки тўланиши лозим бўлган активлар ва мажбурият. Барча молиявий активлар ҳам пул моддалари бўлавермайди.

Молиявий мажбурият — пул маблағларини ва бошқа молиявий активларни шартномавий мажбурият орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектларига ўтказиш ёки алмаштиришни билдирадиган ҳар қандай мажбурият.

Улушли воситалар — хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектига бўлган мажбуриятларини чегириб ташлагандан кейинги қолган активлар улушини тасдиқловчи ҳар қандай шартнома;

Ҳаққоний (ҳақиқий) қиймат — бу яхши хабардор бўлган ва бундай операцияни амалга оширишни хоҳловчи томонлар ўртасида умумий шартлар асосида битимни амалга оширишдаги активни алмаштириш ёки мажбуриятни тўлаш мумкин бўлган сумма.

Молиявий активнинг амортизацияланадиган қиймати — активнинг баланс ҳисоботда дастлабки тан олингандаги баҳоланган суммаси (яъни активнинг ҳисобварақдаги акс эттирилган суммаси, плюс/минус мукофот/дисконт ҳисобварақдаги акс эттирилган сумма, плюс активнинг сотиб олиш учун кетган харажатларнинг ҳисобварақдаги суммаси, плюс ҳар қандай сотиб олинган олиниши лозим

бўлган ва алоҳида олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағида акс эттирилган ҳисобланган фоизлар), минус тўланган асосий қарз суммаси, плюс/минус реал фоиз ставкаси методини қўллаш билан мукофот/дисконтларнинг йиғилган амортизация суммаси, ва минус сотиб олиш учун кетган харажатлар амортизацияси, ва минус кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси.

Молиявий активнинг баланс қиймати — молиявий активнинг ҳисобварағидаги қолдиғи, плюс/минус мукофот/дисконт ҳисобварағидаги қолдиғи, плюс активни сотиб олишга кетган харажат бўйича актив ҳисобварақдаги қолдиқ, плюс олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағидаги қолдиқ, плюс/минус ҳаққоний қийматни коррективка қилиш ҳисобварағидаги қолдиқ, минус кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси.

«Баланс қиймати» — молиявий активнинг ҳаққоний қийматини қайтадан тўғрилаш (коррективка ўтказиш) учун жорий ҳаққоний қиймати билан таққосланадиган сумма.

Мукофот — қарз қимматли қоғози учун тўланган (сотиб олишдаги харажатларсиз) сумманинг, актив номинал қиймати билан ҳар қандай сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизларни қўшиб ҳисоблаганда ошиб кетган сумма. [Сотиб олиш баҳоси – (номиналь қиймат + сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизлар)]. Мукофот дебет қолдиққа эга бўлиб, реал фоиз ставкаси методини қўллаш билан амортизация ҳисоблаш воситасида фоизли даромадни камайтиради.

Дисконт — қарз қимматли қоғозининг номинал қиймати билан ҳар қандай сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизларнинг қарз қимматли қоғози учун тўланган миқдордан (сотиб олишдаги харажатлар ҳисобисиз) ошган суммаси. [(Номинал қиймати + сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизлар) – сотиб олиш баҳоси]. Дисконт кредит қолдиққа эга бўлиб, реал фоиз ставкаси методини қўллаш билан амортизация ҳисоблаш воситасида фоизли даромадни кўпайтиради.

Сотиб олинган олиниши лозим бўлган фоизлар — қарз қимматли қоғозлар бўйича ҳар қандай ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар. Улар қимматли қоғозни тақдим этувчига тўланиши лозим бўлиб ва сотиб олиш санасидан бошлаб сотиб олувчига ўтадиган фоизлардир.

Самарали фоиз ставка усули — молиявий актив ёки молиявий мажбуриятларнинг амортизация қийматини ҳисоб-китоб қилиш ва тегишли давр мобайнида ҳосил қилинган фоизли даромадлар ва харажатларнинг (шу жумладан, сотиш учун мавжуд ва сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматбаҳо қоғозлар бўйича мукофот ва дисконт ҳамда сотиб олиш харажатларини амортизация қилиш) тақсимлаш усули.

Самарали фоиз ставкаси — молиявий активнинг фойдали хизмат муддати давомида ёки қаерда мақбул бўлса, нисбатан қисқа даврда келгусида кутилаётган пул оқимларини, унинг соф баланс қийматига эга бўлиш учун аниқ дисконтлайдиган ставка.

Тан олишни тўхтатиш — илгари тан олинган молиявий активни банк балансидан ҳисобдан чиқариш.

Битим санаси — банк томонидан активни сотиб олиш ёки сотиш билан боғлиқ мажбурият олинган сана.

Битим санасидаги ҳисоб — активни у бўйича якуний ҳисоб-китобни амалга ошириш вақтига эмас, балки битим санасига тан олиш ёки тан олишни тўхтатиш.

Операциялар бўйича харажатлар — молиявий активнинг бевосита сотиб олиниши (сотиб олиш харажатлари) ёки ҳисобдан чиқарилиши (сотиш харажатлари) билан боғлиқ бўлган ўсиб боровчи сарф-харажатлар.

Кўрилиши мумкин бўлган зарарлар — молиявий активнинг баланс қийматини унинг қайтариладиган (қопланадиган) қийматидан ошган суммаси.

III. Молиявий активларнинг бирламчи тан олиниши ва баҳоланиши

§ 1. Молиявий активларнинг таснифланиши

4. Молиявий активлар уч тоифага бўлинади:

1) олди-сотди қимматли қоғозлари;
2) сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар;

3) сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар.

5. Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қиймати ўзгариши фойда ва зарарларда акс эттирилувчи савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ва банк баланс ҳисоботида дастлабки тан олишда «олди-сотди қимматли қоғозлари» деб таснифланган молиявий активларни ўз ичига олади Бинобарин, олди-сотди қимматли қоғозлари тоифасида таснифланган молиявий активларнинг 2 та ички тури мавжуд.

Молиявий актив яқин келажакда бевосита сотиш мақсадида олинган бўлса, ёки молиявий активлар портфели таркибига киритилган бўлиб, бунда банк томонидан битта гуруҳ сингари бошқарилса ва яқинда қисқа муддатли фойда кўришнинг ҳақиқий белгилари кузатилса, у савдога мўлжалланган активлар сингари таснифланади.

Банк бирор-бир бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишда, уларнинг ҳисобини ҳаққоний қиймати бўйича юритиш мақсадида бўлиб, ҳаққоний қийматини ишончли аниқлаш мумкин бўлса ва ҳаққоний қийматидаги ўзгаришини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш мақсадида бўлса, банк уларни «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифлаши мумкин. Бунда банкнинг ушбу қарори кейинчалик ўзгармаслиги лозим.

6. Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозлари қайд қилинган ёки ўрнатилган миқдордаги тўловлар ва қайд қилинган тўлаш муддатига эга бўлган молиявий активлар бўлиб, бунда банк уларни сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имкониятига эга бўлиши лозим.

7. Банклар молиявий активларни мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган тоифаларда таснифлайди.

8. Банклар фақат сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имконияти мавжуд бўлсагина, қарз воситаларни «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифада таснифлаши лозим (1-илова).

9. Банклар улушли воситаларни «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифада таснифламаслиги лозим. Чунки, улушли воситалар тўлаш муддатига эга бўлмайдилар.

10. Банклар жорий ёки ўтган икки молиявий йил давомида катта миқдордаги сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни қоплаш муддати келгунга қадар сотган ёки қайта таснифлаган бўлса, уларга ушбу молиявий активларни «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифада таснифлаш тақиқланади. Аммо, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

1) молиявий активнинг сўндириш санасига қадар оз вақт қолганда амалга оширилса. Чунки бозор фоиз ставкасининг ўзгариши мазкур молиявий активнинг қолган сўндириш муддатигача бўлган давр давомида унинг ҳаққоний қиймати сезиларли таъсир қилмаган бўлиши мумкин (2-илова);

2) банк режалаштирилган тўловлар асосида дастлабки асосий қарз суммасини тўла ундиргандан кейин амалга оширса (2-илова);

3) банк томонидан олдиндан огоҳлантиришлар бўйича банкка боғлиқ бўлмаган ва фавқулодда характерга эга бўлган муҳим ҳодисалар сабабли ҳеч қандай асосли ҳаракат қила олмаган ҳолда амалга оширса (3-илова).

11. Банклар «олди-сотди қимматли қоғозлари» ёки «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифаларда таснифланмаган барча молиявий активларни «сотиш учун мавжуд» қимматли қоғозлар тоифасида таснифлашлари лозим.

12. Банклар молиявий активни бир тоифадан бошқа бир тоифага ўтказишда (мисол учун, «сотиш учун мавжуд» тоифадан «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифага) ушбу активни мазкур Низомнинг VII бўлимига мувофиқ янги турдаги ҳисобварақда акс эттиришади.

§ 2. Молиявий активни тан олиш вақти ва унинг қийматини белгилаш

13. Банк молиявий восита бўйича шартнома шартлари тадбиқ этиладиган томонлардан бири бўлгандагина молиявий актив банк томонидан баланс ҳисоботида тан олинади.

14. Банклар молиявий активни баланс ҳисоботида битим санаси бўйича юритиладиган ҳисобдан келиб чиққан ҳолда тан олишлари лозим. Молиявий актив ҳам, актив учун тўлов мажбурияти ҳам битим санаси бўйича акс эттирилади.

15. Банклар сотиб олинган молиявий активни дастлабки тан олишда унинг ҳақиқатдаги қийматини акс эттирган ҳаққоний қиймати бўйича баҳолайдилар. Сотиш учун мавжуд ёки сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар деб таснифланган молиявий активлар бўйича уларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳам актив сифатида акс эттирилади ва қимматли қоғознинг «амортизация қиймати»га киритилади. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» сифатида таснифланган молиявий активларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар банкнинг жорий харажати сифатида тан олиниб, фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади.

§ 3. Молиявий активни тан олишдаги бухгалтерия ўтказмалари

16. Банклар молиявий активларни сотиб олишда уларнинг таснифига мувофиқ номинал қиймати тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг мос баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. Бунда, мукофот, дисконт ва бошқа ҳар қандай сотиб олинган ҳисобланган фоизлар мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

17. Банклар «олди-сотди» ёки «сотиш учун мавжуд» қимматли қоғозлар сифатида таснифланган улушли қимматли қоғозларни сотиб олишда уларни ҳақиқий қиймати бўйича мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ тегишли баланс ҳисобварақда акс эттиришлари лозим.

18. «Сотиш учун мавжуд» ёки «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифаларда таснифланган қарз қимматли қоғозларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 10889 — «Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар» ёки 15989 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар» баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қарз қимматли

қоғозларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ва барча улушли қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 55110 — «Қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари» баланс ҳисобварағида акс эттирилади.

IV. Молиявий активларни сотиб олишдаги дисконт, мукофот ва харажатлар амортизацияси

19. Банклар барча молиявий активлар бўйича мукофот ёки дисконтларни реал фоиз ставкаси усулини қўллаган ҳолда амортизациялайди. Банклар, шунингдек, «сотиш учун мавжуд» ёки «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасида таснифланган қарз қимматли қоғозларини сотиб олиш харажатларини ҳам реал фоиз ставкаси усулини қўллаган ҳолда амортизациялайди.

20. Дисконтни амортизациялаш тегишли «Дисконт» ҳисобварақларни дебетлаш ва «Фоизли даромадлар» ҳисобварақларини кредитлаш йўли билан мазкур Низомнинг 6, 7 ва 8-иловаларига мувофиқ акс эттирилади.

21. Мукофот ва сотиб олиш харажатларини амортизациялаш тегишли «Фоизли даромадлар» ҳисобварақларини дебетлаш ва «Мукофот» ёки «Қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар» ҳисобварақларини кредитлаш йўли билан мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ акс эттирилади.

V. Молиявий активларни кейинги баҳолаш

§ 1. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган активларни кейинги баҳолаш

22. Банклар «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган молиявий активларни дастлабки тан олишдан кейин, уларнинг ҳаққоний қиймати бўйича, банкларнинг мазкур активлар бўйича сотишда ёки ҳисобдан чиқаришда қилиши мумкин бўлган харажатларини чегирмаган ҳолда баҳолайдилар. Тўғрилашлар бевоқифа фойда ва зарарлар ҳисоботи орқали амалга оширилади.

23. Банклар ҳаққоний қиймат ўзгариши натижасидаги тўғрилаш суммаларини ё портфел ё ҳар бир алоҳида қимматли қоғоз асосида ҳисоблаш ҳуқуқига эга. Ушбу ихтиёрий усуллар натижасидан тўғрилашнинг бир хил бўлган якуний суммаси келиб чиқади.

24. Ҳаққоний қиймат ўзгариши натижасидаги тўғрилаш суммасининг ҳисобкитоби қуйидагича амалга оширилади: Ҳаққоний қиймат – Баланс қиймати = Тўғрилаш суммаси.

Мазкур формулани қўллашда ҳосил бўладиган мусбат фарқ ҳаққоний қийматнинг ўсишини, манфий фарқ эса ҳаққоний қийматнинг камайишини кўрсатади.

25. Ҳаққоний қиймат ўзгаришини тўғрилаш, ҳеч бўлмаганда ҳар ой молиявий ҳисоботни тайёрлашдан олдин амалга оширилади. Ҳаққоний қиймат ўсишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10795 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши»	XX	
Кт 45609 — «Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда» ёки Кт 45611 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда» (савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)		XX

26. Ҳаққоний қиймат камайишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади (6-илова):

Дт 55610 — «Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар» ёки Дт 55614 — «Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар» (Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)	XX	
	Кт 10795 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши»	XX

§ 2. «Сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифланган активларни кейинги баҳолаш

27. Дастлабки тан олишдан кейин банклар «сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифланган молиявий активларни ҳаққоний қиймати бўйича баҳолайдилар. Бунда банкларнинг мазкур активлар бўйича сотишда ёки ҳисобдан чиқаришда қилиши мумкин бўлган харажатлар ҳаққоний қийматдан чегириб ташланмайди. Тўғрилашлар бевосита банкнинг фойда ва зарарларига олиб борилмасдан, балки унинг капитал ҳисобварағида амалга оширилади.

28. Юқоридаги бандда қўйилган талаблар истисно тариқасида бозор нархида котировка қилинмайдиган ва ҳаққоний қиймати ишончли баҳоланмайдиган улушли воситаларга нисбатан қўлланилмайди. Бундай активлар, агар улар «сотиш учун мавжуд» молиявий активлар тоифасида таснифланган бўлган тақдирда ҳам, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини чегириб ташлагандаги ҳақиқатдаги қиймати бўйича акс эттирилади. Агар, кейинчалик активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш имконияти ишончли бўлган тақдирда, банклар бундай активларни ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олишлари лозим. Агар улушли қимматли қоғоз ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олиниб, кейинчалик ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш имконияти мавжуд бўлмай қолса, у ҳолда ушбу актив ҳақиқатдаги қиймати бўйича акс эттирилади. Бундай ҳолатда ушбу бандда баён этилган ҳисоб услуби қўлланилади, фақат алоҳида капитал ҳисобварағида акс эттириладиган ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар амортизация қилинмайди. Бунда улар капитал ҳисобварағида мазкур актив сотилмагунча сақланиб қолади.

29. Молиявий активларнинг ҳаққоний қиймати ўзгариши билан боғлиқ тўғрилаш суммалари портфел ёки ҳар бир алоҳида қимматли қоғоз асосида аниқланади. Мазкур усуллар натижасидан тўғрилашнинг бир хил бўлган якуний суммаси келиб чиқади.

30. Ҳаққоний қиймат ўзгаришидан келиб чиқиб, тўғрилаш суммасини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

Ҳаққоний қиймат – Баланс қиймати = Тўғрилаш суммаси

Мазкур формулани қўллашда ҳосил бўладиган мусбат фарқ ҳаққоний қийматнинг ўсишини, манфий фарқ эса ҳаққоний қийматнинг камайишини кўрсатади.

31. Ҳаққоний қиймат ўсишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши»	XX	
	Кт 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қийматини ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар (актив-пассив)»	XX

32. Ҳаққоний қиймат камайишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади (7-илова):

Дт 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қийматини ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар (актив-пассив)»	XX	
Кт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши»		XX

§ 3. «Сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасида таснифланган активларни кейинги баҳолаш

33. «Сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасида таснифланган молиявий активлар молиявий ҳисоботда кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини чегирган ҳолдаги амортизация қиймати бўйича акс эттирилади.

34. Бундай активлар бўйича ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ тўғрилаш (корректировка)лар амалга оширилмайди.

§ 4. Хорижий валютада ифодаланган молиявий активлар

35. Хорижий валютада ифодаланган «олди-сотди қимматли қоғозлари» ёки «сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар» тоифасида таснифланган молиявий активлар бўйича банклар дастлаб хорижий валюта асосида ҳаққоний қийматининг тўғрилаш суммасини аниқлаб олишлари лозим. Кейин эса валюталарни айирбошлашнинг Марказий банк курси бўйича очиқ валюта позициясини қайта баҳолаш йўли билан курс фарқи ҳисобидан олинган ҳар қандай фойда ва зарарлар аниқланади.

VI. Молиявий активларни тан олишни тўхтатиш

§ 1. Молиявий активларни тан олишни тўхтатиш шартлари

36. Банк молиявий активни тан олишни қуйидаги ҳолларда тўхтатади:

1) мазкур активдан келиб тушадиган пул оқимини олиш юзасидан тузилган шартномада белгиланган ҳуқуқ муддати ўтиб кетганида;

2) банк молиявий активни берганда ва ушбу ҳолат тан олишни тўхтатишни талаб қилувчи ҳолатга тўғри келганда.

37. Банк молиявий активни беришда мазкур активни бошқариш билан боғлиқ бўлган хавф-хатар ва мукофотлар даражасини баҳолаш билиши лозим (9-илова).

38. Банк молиявий активни бошқариш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни берадиган бўлса, у ҳолда у мазкур активни ҳисобдан чиқариши ва уни беришда пайдо бўладиган ва сақланган ҳар қандай ҳуқуқ (ёки мажбуриятлар)ни алоҳида актив (мажбурият) сифатида тан олиши лозим (10-илова).

39. Банк молиявий активни бошқариш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни ўзида сақлаб қоладиган бўлса, у ҳолда у молиявий активни ҳисобдан чиқармаслиги лозим.

40. Банклар тан олишни тўхтатиш талабларига жавоб бермайдиган операциялар давридаги ҳар қандай тушумларни мажбурият сифатида 22896 — «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» ҳисобварағида акс эттиради.

§ 2. Молиявий активларни сотиш

41. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган молиявий активни сотиш ёки ҳисобдан чиқаришдаги фойда ёки зарарлар суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Сотишдаги тушум} - \text{Баланс қиймати} = \text{Фойда (зарар)}$$

42. Ҳаққоний қийматни тўғрилаш суммаси молиявий активни сотишдан олдин акс эттирилган бўлса, у ҳолда юқоридаги формула фойда ёки зарарлар нолга тенглигини кўрсатади. Бироқ, бунда кунлик асосда ҳаққоний қийматни тўғрилаш талаб этилмайди. Агар сотиш натижасида фойда ёки зарарлар пайдо бўлса, у ҳолда мазкур фойда ёки зарарлар ҳаққоний қийматни тўғрилашдан келиб чиққан фойда ва зарарлар акс эттириладиган ҳисобварақларда акс эттирилади.

Масалан, банк «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган давлат облигацияларини сотаётганда фойда қуйидагича ҳисобланади:

Сотишдан келиб тушган тушум		885
Минус: Баланс қиймати:		
10705 — «Давлат облигациялари»	1.000	
10791 — «Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр — актив)»	(100)	
10795 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши»	(20)	
10799 — «Олди-сотди қимматли қоғозларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»	0	
16305 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар (купонлар бўйича)»	3	
Баланс қиймати =		883
Сотишдан олинган фойда		2

Фойдани акс эттириш бўйича бухгалтерия ўтказмаси эса қуйидагича амалга оширилади:

Дт Пул маблағларининг мос ҳисобварағи	885	
Дт 10791 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт (контр — актив)»	100	
Дт 10795 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши»	20	
Кт 10705 — «Давлат облигациялари»		1.000
Кт 16305 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар»		3
Кт 45609 — «Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда» ёки Кт 45611 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда (савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)»		2

43. «Сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифланган молиявий активни сотишдан ёки ҳисобдан чиқаришдан кўрилган фойда ёки зарарлар қуйидагича ҳисобланади:

Сотишдан келиб тушган тушум — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши» сифатида акс эттирилган суммани чегирган ҳолдаги баланс қиймати = Фойда (зарар)

Масалан, банк «сотишга мўлжалланган» тоифада таснифланган давлат хазина векселларини сотаётганида фойда қуйидагича ҳисобланади:

Сотишдан келиб тушган тушум		1.150
Минус: Ҳаққоний қийматни тўғрилашдаги суммани чегириб ташлагандаги Баланс қиймати		
10801 — «Давлат хазина векселлари»	1.000	
10889 — «Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларини харид қилиш бўйича харажатлар»	10	
10893 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот»	100	
10899 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси»	0	
16307 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар (купонлар бўйича)»	0	
Ҳақиқий қийматни тўғрилашдаги суммани чегириб ташлагандаги Баланс қиймати =		1.110
Сотишдан олинган фойда		40

Фойдани акс эттиришнинг бухгалтерия ўтказмаси қуйидагича амалга оширилади:

Дт Пул маблағларининг мос ҳисобварағи	1.150	
Кт 10801 — «Давлат хазина векселлари»		1.000
Кт 10889 — «Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларини харид қилиш бўйича харажатлар»		10
Кт 10893 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот»		100
Кт 45803 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда»		40

44. Банк, шунингдек, илгари ҳаққоний қийматни тўғрилаш бўйича акс эттирилган ва алоҳида капитал ҳисобварағида ҳисобга олинган суммани бекор қилиш бўйича бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириши лозим.

Масалан, агар тўғрилаш суммаси ҳаққоний қийматнинг жами 200 сўмга ўсишига олиб келган бўлса, у ҳолда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилиши лозим:

Дт 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)»	200	
Кт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши»		200

45. «Сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифада таснифланган молиявий активларнинг сотилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши натижасидаги фойда ёки зарарлар қуйидагича ҳисобланади:

Сотувдаги тушум – Амортизацияланган қиймат = Фойда (зарар)

Масалан, банк «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифада таснифланган давлат хазина векселларини сотаётганда фойдани ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Сотишдан олинган тушум		1.020
Минус: Амортизацияланган қиймат		
15901 — «Давлат хазина векселлари»	1.000	
15991 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт»	(20)	
15989 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларини харид қилиш бўйича харажатлар»	10	

15999 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»	0	
16311 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар (купонлар бўйича)»	0	
Амортизацияланган қиймат =		990
Сотишдан олинган фойда		30

Фойдани акс эттиришнинг бухгалтерия ўтказмаси эса қуйидагича амалга оширилади:

Дт Пул маблағларининг мос ҳисобварағи	1.020	
Дт 15991 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)»	20	
Кт 15901 — «Давлат хазина векселлари»		1.000
Кт 15989 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларини харид қилиш бўйича харажатлар»		10
Кт 45805 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда»		30

VII. Молиявий активларни қайта таснифлаш

§ 1. Молиявий активларни «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасига ёки тоифасидан ўтказиш

46. Молиявий актив банк тасарруфида бўлар экан, банкларга уни «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасига ёки шу тоифадан бошқа тоифага ўтказиш тақиқланади, фақат дастлабки таснифи нотўғри таснифланган ҳолат бундан мустасно.

47. Агар банк кейинроқ «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган активларнинг нотўғри таснифланганлигини аниқласа, у ҳолда кейинги ҳар қандай қайта таснифлашлар хатони тўғрилаш сингари ҳисобга олинади. Мазкур ҳолат илгари чиқарилган молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаб чиқишни тақозо этади.

48. Агар банк молиявий активни «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифласада, лекин 12 ой уни давомида сотмаса ва агар ушбу актив «қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар» сингари юритилиши лозим бўлганлар тоифасига тўғри келса, у ҳолда банк ушбу молиявий активни «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасидан мос инвестиция ҳисобварағига ўтказади. Мазкур ҳолат ҳам, хатони тўғрилаш сингари ҳисобга олинади ва илгариги молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаб чиқишни тақозо этади.

§ 2. Молиявий активларни «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасидан «сотиш учун мавжуд» тоифасига ўтказиш

49. Агар банк ўзининг ишонч ва имкониятлари ўзгариши натижасида молиявий активни «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифа сифатида таснифлашни тақозо этмаса, у ҳолда банк уни «сотиш учун мавжуд» тоифасига ўтказиши ва уни ҳаққоний қийматига тенглашгунча қайта баҳолайди. Қайта баҳолашдаги ҳаққоний қийматни тўғрилаш алоҳида 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)» капитал ҳисобварағида акс эттирилади.

50. Агар сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активларнинг катта

микдорда сотилиши ёки қайта таснифланиши 7-бандда кўрсатилган шартлардан бирортасига ҳам жавоб бермаса, у ҳолда барча қолган сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активлар «сотиш учун мавжуд» тоифага ўтказилади ва ҳаққоний қийматига тенглашгунча қайта баҳоланади. Қайта баҳолашдаги ҳаққоний қийматни тўғрилаш алоҳида 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)» капитал ҳисобварағида акс эттирилади.

51. Сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активларнинг катта микдордаги сотилиши ёки қайта таснифланиши 10-бандда кўрсатилган бирорта ҳам шартга жавоб бермайдиган ҳар бир ҳолатда, кейинчалик 24 ой ичида сотиб олинadиган барча қимматли қоғозлар «олди-сотди қимматли қоғозлари» ёки «сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар» тоифасида таснифланиши лозим.

§ 3. Молиявий активларни «сотиш учун мавжуд» тоифадан «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифага ўтказиш

52. Банклар ўз мақсади ва имкониятлари ўзгариши натижасида ёки 10-бандда қайд этилган ўтган иккита молиявий йилларда ўтказилган сўндириш муддати қайд этилган молиявий активларини «сотиш учун мавжуд» тоифадан «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифага ўтказишлари мумкин.

53. Молиявий активни «сотиш учун мавжуд» тоифадан «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифага ўтказишда ушбу активнинг ҳаққоний қиймати шу қайта таснифлаш санасига унинг амортизацияланган қиймати бўлиб ҳисобланади.

54. «Сотиш учун мавжуд» тоифадан «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифага ўтказилган молиявий активлар бўйича олдин капиталда тан олинган ҳар қандай ўзлаштирилмаган (ҳаққоний қиймати ўзгариши натижасида вужудга келган) фойда ёки зарарлар куйидаги тартибда ҳисобга олиниши лозим:

1) ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар самарали фоиз ставкаси услубини қўллаган ҳолда мазкур қимматли қоғозларнинг қолган фойдали хизмат муддати давомида амортизацияланиб борилади ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади;

2) янги амортизацияланган қиймат билан сўндирилиши лозим бўлган сумма ўртасидаги ҳар қандай фарқ ҳам 12-иловага мувофиқ равишда, самарали фоиз ставкаси услубини қўллаган ҳолда қолган фойдали хизмат муддати давомида амортизацияланади.

55. Агар «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасига ўтказилган молиявий активлар кейинчалик қадрсизланадиган бўлса, у ҳолда илгари тўғридан-тўғри капиталда тан олинган ҳар қандай фойда ёки зарарлар мазкур Низомнинг VIII-бўлимига мувофиқ фойда ва зарарлар ҳисоботида тан олинади.

VIII. Молиявий активларнинг қадрсизланиши

§ 1. Молиявий активлар қадрсизланишининг умумий белгилари

56. Банклар ҳар бир ҳисобот санасига молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар бор-йўқлигини баҳолаши ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашга ёки кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини оширишга зарурат бор-йўқлигини аниқлаштириши лозим.

57. Фоиз ставкасининг ўзгариб туриши қарз қимматли қоғозларининг ҳаққоний қийматига таъсир қилади. Бироқ, фоиз миқдорининг ўзгариб туриши билан боғлиқ ҳаққоний қийматнинг ўзгариши қадрсизланишга олиб келмайди.

58. Банклар мазкур бўлимда белгиланган талаблар, шунингдек, Активлар сифат даражасини таснифлаш, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида Низомга (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 632) ва 13-иловага мувофиқ, молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича қоидаларидан фойдаланган ҳолда молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммасини баҳолайдилар. Банклар кўрсатилган тартиб асосида аниқланган катта миқдордаги зарарга тенг бўлган кўрилиши мумкин бўлган зарарни баҳолашни акс эттиради.

§ 2. Сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активлар

59. Амортизация қиймати бўйича акс эттирилган сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу зарар мазкур активнинг баланс қиймати билан актив бўйича қутилаётган пул оқимининг жорий қиймати (ҳали қилинмаган келажакдаги зарарларни чегириб ташлаган ҳолда) ўртасидаги фарқ сифатида баҳоланади. Мазкур жорий қиймат ушбу актив бўйича дастлабки реал фоиз ставкаси (яъни дастлабки тан олишда ҳисобланган реал фоиз ставкаси)га тенг бўлган дисконт ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

60. Сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш бўйича қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56826 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»	XX	
Кт 15999 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»		XX

§ 3. Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар

61. «Сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифланган молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлганда, у ҳолда ҳаққоний қийматни тўғрилаш билан боғлиқ бўлган ва илгари тўғридан-тўғри капиталда акс эттирилган ихтиёрий кумулятив зарар ҳисобдан чиқарилади ва фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини бекор қилиш учун:

Дт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши»	XX	
Кт 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)»		XX

Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш учун:

Дт 56808 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»	XX	
Кт 10899 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»		XX

62. Капиталдан ҳисобдан чиқариладиган ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган кумулятив зарар суммаси активнинг баланс қиймати (ихтиёрий ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини чегириб ташлаган ҳолда) билан жорий ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ суммага тенгдир.

63. Агар кўрилиши мумкин бўлган зарар суммаси илгари капиталда тан олинган ҳақиқий қийматнинг салбий (манфий) тўғрилаш суммасидан ошиб кетадиган бўлса, у ҳолда банклар қўшимча кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммасини қуйидагича акс эттиради:

Дт 56808 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»	XX	
Кт 10899 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»		XX

§ 4. Олди-сотди қимматли қоғозларнинг қадрсизланиши бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш

64. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси камдан-кам ҳоллардагина ташкил этилади. Албатта бунда молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисидаги объектив далиллар борган сайин аниқлашиб бориши, шу билан бирга, ушбу қимматли қоғознинг жорий ҳаққоний қиймати мазкур қадрсизланишни акс эттирмаган бўлиши лозим.

65. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этишда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56806 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»	XX	
Кт 10799 — «Олди-сотди қимматли қоғозларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»		XX

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Молиявий активларни сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имконияти

Мақсад

Қуйидаги ҳолларда банк сўндириш муддати белгиланган молиявий активларни сўндириш муддатигача сақлаш бўйича қатъий мақсади йўқ деб ҳисобланади:

1) банк мазкур молиявий активга фақат ноаниқ вақт мобайнидагина эгалик қилиш мақсадида бўлганда;

2) банк мазкур активни ликвидли маблағларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, бозор фоиз ставкасининг ёки хавф-хатарларнинг ўзгаришларига жавобан ёки алтернатив инвестицияларнинг манфаатли имкониятлари ёки даромадлилик даражасининг ўзгаришларга, ёки молиялаштириш шартлари ёки манбаларидаги ўзгариш-

ларга, ёки валюта хавф-хатаригаги ўзгаришларга жавобан (юзга келган вазият олдиндан огоҳлантиришлар бўйича банкка боғлиқ бўлмаган ва фавқулодда характерга эга бўлган муҳим ходисалар сабабли ҳеч қандай асосли ҳаракат қила олмаган ҳолатлардан ташқари — 3-илова) сотишга тайёр бўлса;

эмитент молиявий активни амортизация қийматидан сезиларли даражада паст бўлган қийматда сўндириш ҳуқуқига эга бўлса.

Имконият

Банк сўндириш муддати белгиланган молиявий активларни сўндириш муддатига ушлаб туриш имконияти йўқ деб ҳисобланади, агар:

1) банк мазкур инвестицияга жалб этилган маблағларни уларни сўндириш муддатига ушлаб туриш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлмаса;

2) банкнинг фаолияти қонуний ёки бошқа чеклашлар остидалиги унинг мазкур молиявий активларга нисбатан сўндириш муддатига эгалик қилиш мақсадини бузиши мумкин бўлса.

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Сўндириш муддатига сақланадиган қимматли қоғозларни «сўндириш санасига оз муддат қолганда» ва «асосий қарздорликнинг қарийиб барчаси ундириб олинган»да сотиш

Банк бирор молиявий активни фақатгина уни сўндириш муддатига ушлаб туриш учун қатъий мақсад ва имконияти бўлгандагина «сўндириш муддатига сақланадиган» актив сифатида таснифлаши мумкин. Сўндириш муддатига сақланадиган активларни сўндириш муддатига сотиб юборилиши «сўндириш муддатига сақланадиган» деб таснифланган бошқа барча қолган активларни сўндириш муддатига сақланишига шубҳа туғилишига олиб келади. Шу сабабли, қолган бошқа сўндириш муддатига сақланадиган молиявий активларнинг барчасини «сотиш учун мавжуд бўлган» деб таснифланадиган активлар тоифасига ўтказилиши лозим. Бу қондан қўллаш сўндириш муддатига сақланадиган активларни сотиш бўйича қуйидаги икки ҳолда истисно қилинади:

1) сўндириш муддатига оз қолганда;

2) асосий қарзнинг қарийиб барчаси ундириб олингандан кейин.

Мазкур истисно, қарзнинг асосий қисми ундириб олинган ёки мазкур активни сўндириш муддати яқин бўлган ҳолатлар учун тегишлидир, чунки бу унинг ҳаққоний қийматида сезиларли таъсир кўрсатмайди ва банк учун молиявий активларни ушлаб туриш ёки бозордаги фоиз ставкаларини ўзгаришига жавобан сотиб юборилишнинг фарқи йўқ бўлиб қолади. Ўз навбатида, бундай ҳолатларда сотиш юзга келадиган соф фойда ёки зарарга таъсир кўрсатмайди, ва сўндириш муддатига бўлган давр мобайнида нархнинг ҳеч қандай ўзгариши кутилмайди. Қуйида, мазкур истисноларни қўллаш бўйича асосий амал қилинадиган тамойиллар келтирилган:

Сўндириш муддатига оз қолганда:

Мазкур истисно фоиз ставкалари бўйича хавф-хатар мазкур қимматли қоғоз нархини шакллантириш омили сифатида тан олинмайдиган даражада бўлган ҳолат-

лар учун қўлланилади. Буни қўйидаги мисолда кўришимиз мумкин, агар банк молиявий активни сўндириш муддатига 3 ойдан кам қолган муддатда сотса, қоида бўйича бу ҳолат мазкур истиснога мос тушади. Бу шу нарсадан келиб чиқадики, сўндириш муддати 3 ойдан кам бўлган активга ўрнатилган фоиз ставкаси билан бозор ставкаси ўртасида пайдо бўладиган фарқнинг ҳаққоний қийматга бўладиган таъсири, қоида бўйича сўндириш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган активларга нисбатан кам бўлади.

Барча қарз суммасини ундириш:

Мазкур истисно муҳимлилик (существенности) тушунчасига асосланган. Агар банк активни, у бўйича режалаштирилган тўловлари ёки олдиндан тўловлари билан бевосита 90% ёки ундан кўп бўлган асосий қарз суммаси ундирилгандан кейин сотадиган бўлса, у ҳолда қоида бўйича бу ҳолат мазкур истиснога мос тушади. Бундай сотиш муҳим ҳисобланмайди ва шу билан бирга банкни қолган барча «сўндириш муддатигача сақланадиган» активларини сўндириш муддатигача эгалик қилиш ишончини шубҳа остида қолдирмайди.

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

«Банк томонидан сўндириш муддатигача сақланадиган» қимматли қоғозларни олдиндан огоҳлантиришлар бўйича банкка боғлиқ бўлмаган ва фавқулодда характерга эга бўлган муҳим ҳодисалар сабабли ҳеч қандай асосли ҳаракат қила олмаган ҳолда сотиш

«Банк томонидан сўндириш муддатигача сақланадиган» қимматли қоғозларни олдиндан огоҳлантиришлар бўйича банкка боғлиқ бўлмаган ва фавқулодда характерга эга бўлган муҳим ҳодисалар сабабли ҳеч қандай асосли ҳаракат қила олмаган ҳолда сотиш, банк тассаруфидаги сўндириш муддатигача сақланадиган бошқа барча қимматли қоғозларни сўндириш муддатигача сақлаш ишончини шубҳа остига солмайди. Бундай сотишга қўйидаги ҳолатлар мисол бўла олади:

1) эмитент кредит қобилиятининг сезиларли даражада ёмонлашуви. Мисол учун, ташқи ваколатли агентликлар томонидан баҳоланадиган кредит рейтингининг пасайиши натижасида рўй берадиган сотиш, агар рейтинг даражаси пасайиши вақтида эмитент кредит рейтингининг дастлабки тан олишдаги кўрсаткичлари билан таққослаб унинг кредит қобилияти сезиларли даражада ёмонлашувини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлса, банкда бошқа сўндириш муддатигача сақланадиган инвестицияларни ушлаб туришга бўлган мақсадини шубҳа остида қолдирмайди. Мос равишда, агар банк ташқи таъсирларни баҳолашда ички рейтингдан фойдаланса, мазкур ички рейтингдаги кўрсаткичлардаги ўзгаришлар кредит қобилияти сезиларли даражада ёмонлашуви кузатилган эмитентларни аниқлашда қўл келиши мумкин, фақат шу шарт биланки, банкнинг ушбу услуби ички рейтинг баҳолашишини ва мазкур баҳолашдаги ўзгаришларни олишда эмитентларнинг кредит қобилиятига нисбатан изчил, ишончли ва объектив хулосаларни қилишга имкон берсагина. Агар молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисида тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлса, унда кредит қобилиятининг ёмонлашуви кўпчилик ҳолларда муҳим (существенный) омиллар деб қаралса;

2) Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича фоизларнинг бир қисмини солиқдан озод қилишни бекор қилиш ёки сезиларни даражада қисқартириш билан боғлиқ солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар (солиқ қонунчилигидаги фоизли даромадга нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкасини ўзгартариш билан боғлиқ ўзгаришлардан ташқари) рўй берса;

3) банклар (хўжалик субъектлари) нинг йирик бирлашиши ёки йирик ҳисобдан чиқариш (масалан, кўпгина филиалларини сотиш) да банкнинг мавжуд фоиз ва кредит хатарлари сиёсати бўйича эгаллаган мавқеини қўллаб-қувватлаш мақсадида сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича инвестицияларни сотиш ва беришга олиб келса (агар, банкларнинг йирик бирлашиши ёки йирик ҳисобдан чиқариш ходисалари банк назоратида бўлган тақдирда ҳам банкнинг мавжуд кредит хатарлари ва кредит хатарлари бўйича сиёсати бўйича эгаллаган мавқеини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган инвестиция портфелидаги ўзгаришлар олдиндан кўра билиш эмас, балки оқибат сифатида қабул қилиниши лозим);

4) қонунчилик ҳужжатларида инвестицияларга берилган рухсат ёки унинг алоҳида турларининг максимал даражасига ўрнатилган талабларни сезиларли ўзгариши натижасида инвестиция портфелларидан сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни сотишга олиб келса;

5) барча банкларга нисбатан уларнинг капиталига қўйиладиган меъерий талабларнинг сезиларли даражада ўсиши банкларнинг сўндириш муддатигача сақланадиган инвестициялар ҳажмини уларни сотиш йўли билан қисқартиришга олиб келади;

6) хавф-хатарни ҳисобга олган ҳолдаги регулятив капитални ҳисоб-китоб қилишда фойдаланиладиган, сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича хавф-хатарни баҳолашдаги сезиларли ўсиш.

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Қарз қимматли қоғозларини сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмалари

1 февралда банк номинал қиймати 1.000.000 сўм бўлган давлат облигациясини сотиб олди. Ушбу облигация 1 январда чиқарилган бўлиб, сўндириш муддати 31 декабрда келади. Фоизлар ҳар чоракда (облигация эгасига) йиллик 14% ҳисобида тўлаб борилади. Банк учун харид нархи 911.890 сўмни ташкил этади. Харид нархига 11.890 сўм $(1.000.000 \times 14\% \times 31/365)$ миқдоридаги сотиб олинган олиними лозим бўлган ҳисобланган фоизлар қўшилган. Мазкур харид билан боғлиқ операция бўйича харажатлар 10.000 сўмга тенг.

Куйида, молиявий активларнинг уч тоифаси бўйича юқоридаги шартлар асосида облигацияни сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмалари ва дисконтни ҳисоблаш амаллари келтирилган:

Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича:

$$\text{Дисконт} = 1.000.000 - (911.890 - 11.890) = 100.000$$

Сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмаси:

Дт 10705 — «Давлат облигациялари»	1.000.000	
Дт 16305 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар»	11.890	
Кт 10791 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт (контр-актив)»		100.000
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		911.890

Харид қилишдаги харажатлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дт 55110 — «Қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари»	10.000	
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		10.000

Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар бўйича:

$$\text{Дисконт} = 1.000.000 - (911.890 - 11.890) = 100.000$$

Сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмаси (харид қилишдаги харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда):

Дт 10805 — «Давлат облигациялари»	1.000.000	
Дт 16307 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар»	11.890	
Дт 10889 — «Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар»	10.000	
Кт 10891 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр-актив)»		100.000
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		921.890

Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича:

$$\text{Дисконт} = 1.000.000 - (911.890 - 11.890) = 100.000$$

Сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмаси (харид қилишдаги харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда):

Дт 15905 — «Давлат облигациялари»	1.000.000	
Дт 16311 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар»	11.890	
Дт 15989 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар»	10.000	
Кт 15991 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт»		100.000
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		921.890

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш татиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Улушли қимматли қоғозларни сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмалари

Банк, «А» акциядорлик жамиятининг ҳар бир акцияси учун 10.000 сўмдан 100 та акцияларини сотиб олаяпти. Ушбу операция бўйича харажатлар 20.000 сўмни ташкил этади.

Қуйида, молиявий активларнинг ҳар бир тоифаси бўйича бухгалтерия ўтказмалари алоҳида келтирилган:

Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича:

Сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмаси:		
Дт 10719 — «Корхоналарнинг улушли қимматли қоғозлари»	1.000.000	
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		1.000.000
Операция бўйича харажатларни акс эттириш ўтказмаси:		
Дт 55110 — «Қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари»	20.000	
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		20.000

Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар бўйича:

Сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмаси:		
Дт 10821 — «Корхоналарнинг улушли қимматли қоғозлари»	1.000.000	
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		1.000.000
Операция бўйича харажатларни акс эттириш ўтказмаси:		
Дт 55110 — «Қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари»	20.000	
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		20.000

Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозлари бўйича:

Улушли қимматли қоғозлар «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасида таснифланиши мумкин эмас, чунки уларнинг ўрнатилган сўндириш муддати йўқ.

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Савдога мўлжалланган қарз қимматли қоғозларнинг ҳисоби

7) 2003 йил 1 декабрда банк номинал қиймати 100.000.000 бўлган 12 ойлик давлат хазина векселларини 93.000.000 га сотиб олди. Сўндириш муддати 2004 йил 30 ноябрь. Мазкур қимматли қоғозлар кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олинган бўлиб, шунинг учун улар «савдога мўлжалланган» туркумда таснифланади. Савдога мўлжалланган қимматли қоғозларнинг ҳисоби 10700 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари» ҳисобварақлар гуруҳида акс эттирилади. (Қимматли қоғозлар қанчалик савдога мўлжалланган бўлишига қарамасдан, уларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 55110 — «Қимматли қоғозларнинг олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари» ҳисобварағига олиб борилади, ва шунинг учун, мазкур мисолда кўриб ўтилмайди). Сотиб олиш амалиёти қуйидагича акс эттирилади:

Дт 10701 — «Давлат хазина векселлари»(*)	100.000.000	
Кт 10791 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт»		7.000.000
Кт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		93.000.000

(*) Таҳлилий (аналитик) ҳисобда банк мазкур хазина векселларини савдога мўлжалланмаган бошқа хазина векселларидан фарқлаш учун уларни банк «савдога мўлжалланган» туркумда таснифлайди, чунки банк савдога мўлжалланмаган хазина векселларини ҳам ҳисоб юритишни йўлга қўйиш мақсадида «олди-сотди қимматли қоғозлари» туркумида таснифлашга қарор қилган.

8) 2003 йил 31 декабрда банк қимматли қоғозларни ҳаққоний қиймати бўйича қайта баҳолади. 2003 йил 31 декабрь ҳолатига ушбу хазина векселларининг ҳаққоний қиймати 92.500.000 сўмни ташкил қилган. Қайта баҳолашдаги тўғрилаш суммасини аниқлаб олиш учун, ҳаққоний қийматни қолдиқ қиймат билан таққослаш зарур, агар керак бўлса:

(а) дастлаб баланс қиймати ҳисобот даврига реал фоиз ставкаси услубини қўллаш орқали дисконтни амортизациялаб қайта ҳисобланиши лозим. (ВСД бўйича Excel функциясини қўллаш орқали дисконтни амортизациялаш графигига қаранг). Дисконтни амортизациялаш бўйича бухгалтерия ўтказмаси қуйидагича амалга оширилади:

Дт 10791 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт»	564.127	
Кт 40601 — «Давлат хазина векселлари бўйича фоизли даромадлар»		564.127

(b) Энди талаб қилинадиган тўғрилаш суммасини аниқлаш учун баланс қийматини ҳаққоний қийматига тенглаштириш зарур.

2003 йил 31 декабрь ҳолатига қимматли қоғозларнинг баланс қиймати 93.564.127 сўмни ташкил этган. $(100.000.000 - 6.435.873 = 93.564.127)$.

Бунинг натижасида зарар қуйидагини ташкил этган:
 $92.500.000 - 93.564.127 = (1.064.127)$

Ҳаққоний қийматни тўғрилаш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дт 55610 — «Савдога мўлжалланган қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида қўрилган зарарлар»	1.064.127	
Кт 10795 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши»		1.064.127

9) 2004 йил 1 январда банк ушбу хазина векселларини 92.600.000 сўмга сотди. Сотиш амалиёти қуйидагича акс эттирилади:

Дт Банкнинг вакиллик ёки миждознинг депозит ҳисобварағи	92.600.000	
Дт 10795 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши»	1.064.127	
Дт 10791 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт»	6.435.873	
Кт 10701 — «Давлат хазина векселлари»		100.000.000
Кт 45609 — «Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда»		100.000

Мазкур мисол алоҳида қимматли қоғозга нисбатан ҳисоб юритишни акс эттиради. Агар банк тасарруфида савдога мўлжалланган қимматли қоғозларнинг бир бутун портфели мавжуд бўлса, одатда ҳар бир алоҳида қимматли қоғознинг сотувидан кейин ҳаққоний қийматни тўғрилаш ҳисобварағидаги қолдиқни тўғрилаш қабул қилинмаган. Бунинг ўрнига, портфелни ҳисобга олишда ҳақиқий қийматни тўғрилаш услуги ўзгаради ва бунда бутун бир портфель ҳаққоний қийматига ҳаққоний қийматига тўғриланади. Ушбу усулларнинг ихтиёрий бирини қўллашдан қатъи назар, даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботга таъсир бир хил бўлади ва ўзида тан олишни тўхтатишдан қўрилган соф даромад(зарар)нинг якуний суммаси билан ҳисобот даври давомидаги ҳақиқий қийматнинг тўғрилаш суммасининг йиғиндисини акс эттиради.

Хазина Векселлари — Excel жадвалини қўллаган ҳолда реал ФОИЗ Excel жадвалини қўллаш орқали Давлат хазина векселларининг СТАВКАСИНING ҳисоб-китоби

Бажариш тартиби: Excel да «ВСД» формуласини қўлланг. Бу формула ўзгарувчан даромадлилиқ миқдорини (даражасини) билдиради (масалан пул оқимлари бўйича). Ушбу формулани топиш учун Excelнинг асосий менюсига кириб, «Қўйиш(Вставка)», «Вазифа (Функция)»..., «Молиявий (Финансовые)», «ВСД»лар босилади. Мазкур формула пул оқимларининг диапазонини сўрайди (С2:С14 катакчалар). Формула реал фоиз ставкаси бўйича зарурий қидирув жараён(цикл)лари сонини чегаралаб қўйиш учун «Тахмин (Предположение)»ни сўрайди. Одатда «Тахмин (Предположение)» майдонига 1% ни киритиш етарли ҳисобланади.

A	B	C	D
1	Сана	Пул оқимлари	Изоҳ
2	01.12.x3	-93.000.000	Дастлабки пулнинг чиқиб кетиши манфий катталикда киритилган
3	31.12.x3	0	Катакчани бўш ҳолда қолдирманг, «ноль»ни киритиш керак
4	31.01.x4	0	
5	28.02.x4	0	
6	31.03.x4	0	
7	30.04.x4	0	
8	31.05.x4	0	
9	30.06.x4	0	
10	31.07.x4	0	
11	31.08.x4	0	

A	B	C	D
12	30.09.x4	0	
13	31.10.x4	0	
14	30.11.x4	100.000.000	Муддати келганда сўндириш
15			
16		0,6065881%	Ойлик реал фоиз миқдори
17			=BCD(C2:C14,1%)
18			
19	Аҳамият беринг: Ўрнатилган йиллик фоиз ставкаси миқдори 14% га нисбатан йиллик реал фоиз ставкасининг миқдори 7,279% (0,6065881 x 12) ни ташкил этади. Реал фоиз ставкаси миқдори пулнинг вақтинчалик қиймати ўзгариши ҳисобига паст. Сўндириш муддати келмагунча, ҳеч қандай фоизлар келиб тушмайди. Сўндириш муддати қанчалик узоқ бўлса, реал фоиз ставкаси миқдори шунчалик паст бўлади.		
20			
21			
22			

Давлат Хазина векселлари дисконтнинг амортизацияланиш графиги

Реал фоиз ставкаси ҳисоб-китобидан сўнг дисконтнинг амортизацияланиш жадвалини тайёрлаш мумкин:

Сана	Номинал	Дисконтнинг амортизацияланиши (*)	Қолган дисконт	Соф баланс қиймати
01.12.x3 – Сотиб олиш	100.000.000		7.000.000	93.000.000
31.12.x3	100.000.000	564.127	6.435.873	93.564.127
31.01.x4	100.000.000	567.549	5.868.324	94.131.676
28.02.x4	100.000.000	570.992	5.297.332	94.702.668
31.03.x4	100.000.000	574.455	4.722.877	95.277.123
30.04.x4	100.000.000	577.940	4.144.937	95.855.063
31.05.x4	100.000.000	581.445	3.563.492	96.436.508
30.06.x4	100.000.000	584.972	2.978.520	97.021.480
31.07.x4	100.000.000	588.521	2.389.999	97.610.001
31.08.x4	100.000.000	592.091	1.797.908	98.202.092
30.09.x4	100.000.000	595.682	1.202.226	98.797.774
31.10.x4	100.000.000	599.296	602.930	99.397.070
30.11.x4	100.000.000	602.930	0	100.000.000
30.11.x4 – Сўндириш	0			0
Итого		7.000.000		

(*) Дисконтнинг амортизацияланиши = Соф баланс қиймати (олдинги қатор) x Ойлик реал фоиз миқдори (0,6065881%)

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Фоизли купонлар билан сотиш учун мавжуд облигациялар ҳисоби

2003 йил 1 мартда банк номинал қиймати 1.000.000 сўм ва йиллик фоиз даражаси 12% бўлган 2003 йил 1 январда чиқарилган ЎзРМБ облигацияларини фоизли купонлари билан сотиб олди. Фоизлар облигация эгасига ҳар чоракда тўланади.

Сотиб олиш вақтида бу облигациялар бўйича 2 ойга фоизлар ҳисобланган $[1.000.000 \times 12\% \times (59 \text{ кун} / 365) = 19.397]$. Сотиб олиш пайтида тўланган жами сумма 979.397 (1.000.000 номинал плюс 19.397 сотиб олинган 2 ойга ҳисобланган фоизлар минус 40.000 жорий бозор фоиз миқдорини акс эттириш учун дисконт). Сўндириш муддати 31 декабрь 2003 йил. Банк ушбу облигацияларни сўндириш муддати-гача сақлаб туришни режалаштирган, лекин агар катта даромад келтирувчи бошқа молиявий воситаларга маблағ қўйиш имконияти пайдо бўлса, уларни сотиши мумкин, шунинг учун банк ушбу облигацияларни «сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифлайди.

(Мазкур мисолда, харид қилиш харажатлари назарда тутилмаган. Харид қилиш харажатларини амортизация қилиш тартибини кўриш учун 8-иловага қаранг).

Сотиб олиш қўйидагича ҳисобга олинади:

	1.000.000	
Дт 10809 — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари»		
Дт 16307 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар»	19.397	
Кт 10891 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр-актив)»		40.000
Кт Банкнинг вакиллик ёки миждознинг депозит ҳисобварағи		979.397

Дисконтни амортизациялаш, фоизларни ҳисоблаш ва олинishi бўйича бухгалтерия ўтказмалари

2003 йил 31 март

Дисконт реал фоиз ставкаси методини қўллаш орқали амортизацияланади, шартнома бўйича олинishi лозим бўлган фоизлар ҳар ойда ҳисоблаб борилади.

Дисконтни амортизациялаш қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади (илова қилинаётган амортизациялаш графигига ва ҳисоблашга қаранг):

Дт 10891 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр-актив)»	3.739	
Кт 40709 — «ЎЗРМБининг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар»		3.739

Шартнома бўйича олинishi лозим бўлган фоизларни ҳисоблаш 2003 йилнинг 31 мартида қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дт 16307 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар»	10.192	
Кт 40709 — «ЎЗРМБининг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар»		10.192

2003 йил 1 апрель.

Шартнома бўйича ҳисобланган фоизли тўловларнинг келиб тушиши (19.397 сотиб олинган олинishi лозим бўлган фоизлар плюс 10.192 март оyi учун ҳисобланган фоизлар):

Дт — Банкнинг вакиллик ёки миждознинг депозит ҳисобварағи	29.589	
Кт 16307 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар»		29.589

2003 йил 30 апрель.**Дисконт амортизацияси:**

Дт 10891 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр-актив)»	3.846	
Кт 40709 — «ЎзРМБнинг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар»		3.846

Шартнома бўйича фоизларни ҳисоблаш:

Дт 16307 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар»	9.862	
Кт 40709 — «ЎзРМБнинг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар»		9.862

Қимматли қоғозларни ҳақиқий қийматигача қайта баҳолашдаги тўғрилашларнинг бухгалтерия ўтказмаси

Банк ўз раҳбарияти учун тузиладиган ишончли ҳисоботларни тайёрлаш учун сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларни ҳар ойда қайта баҳолашни амалга оширади. Қайта баҳолаш, ҳаққоний қийматнинг ўзгариши рўй берган ойда тегишли равишда баланс ҳисоботда ҳисобга олиниши учун ҳар ойнинг охирида ўтказилади. 2003 йилнинг 31 мартда Марказий банк облигациясининг ҳақиқий қиймати 992.000 сўм, баланс қиймати (ҳисобланган фоизларни билан бирга) эса 963.739 сўм (таблица илова қилинади) эди. Қайта баҳолашдаги тўғрилашни акс эттириш бўйича қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

2003 йил 31 март.

Дт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши»	28.261	
Кт 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)»		28.261

2003 йил 30 апрель баланс қиймати (ҳисобланган фоизлар билан бирга) 1.005.708 (977.447 иловадаги таблицадан + 28.261 ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммаси) сўмни, ҳақиқий қиймати эса 995.057 (аҳамият беринг, ҳақиқий қиймат ўзига битта ой учун ҳисобланган фоизларни қўшиб ҳисобляпти, чунки агар облигация сотиб юборилганида ушбу фоизлар облигация эгасига ўтиб кетган бўлар эди). Облигациялар ҳақиқий қийматининг камайиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

2003 йил 30 апрель.

Дт 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)»	10.651	
Кт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши»		10.651

Облигацияларнинг сотилиши

2003 йил 17 май банк облигацияларни у бўйича ҳисобланган фоизларни қўшган ҳолда 990.000 сўмга сотди. Олдин дисконтни амортизациялаш ва қўшимча равишда сотиш вақтигача мазкур облигациялар бўйича фоизларни ҳисоблаш лозим.

2003 йил 17 май.

Дисконт амортизацияси (17/31 x 3.711):

Дт 10891 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр -актив)»	2.035	
Кт 40709 — «ЎЗРМБининг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар»		2.035

Фоизларни ҳисоблаш (17/31 x 10.192):

Дт 16307 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар»	5.589	
Кт 40709 — «ЎЗРМБининг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар»		5.589

Облигацияларни сотиш қуйидагича акс эттирилади:

Дт Тегишли пул маблағлари ҳисобварағи (а)	1.005.451	
Дт 10891 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр -актив)» (б)	30.380	
Дт 30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)» (в)	17.610	
Кт 10809 — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари»		1.000.000
Кт 16307 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар» (г)		15.451
Кт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши» (в)		17.610
Кт 45803 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда»		20.380

(а) Сотувдаги тушум = 990.000 + 15.451 (сотилган ҳисобланган фоизлар)

(б) Дисконт қолдиғи = 30 апрелга (32.415) амортизация бўйича таблицадаги сумма минус май ойининг 17 куни учун ҳисобланган амортизация (2.035).

(с) Ҳақиқий қиймат кумулятиви 28.261 (31 мартда акс эттирилган)га ошганлигини ва 10.651 (30 апрелда акс эттирилган)га камайганлигини кўрсатади = 17.610 тўғрилашнинг соф мусбат қиймати.

(д) Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар = 9.862 (апрель) + 5.589 (май) = 15.451.

Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг облигацияларини Excel жадвалини қўллаган ҳолда реал фоиз ставкасининг ҳисоб-китоби

Бажариш тартиби: Excel да «ВСД» формуласини қўлланг. Бу формула ўзгарувчан даромадлилик миқдорини (даражасини) билдиради (масалан пул оқимлари бўйича). Ушбу формулани топиш учун Excelнинг асосий менюсига кириб, «Қўйиш (Вставка)», «Вазифа (Функция)»..., «Молиявий (Финансовые)», «ВСД»лар босилади. Мазкур формула пул оқимларининг диапозонини сўрайди (С2:С12 катакчалар). Формула реал фоиз ставкаси бўйича зарурий қидирув жараён(цикл)лари сонини чегара-лаб қўйиш учун «Тахмин(Предположение)»ни сўрайди. Одатда «Тахмин (Предположение)» майдонига 1% ни киритиш етарли ҳисобланади.

A	B	C	D
1	Сана	Пул оқими	Тўшунтириш
2	01.03.х3	-979.397	Дастлабки пулнинг чиқиб кетиши манфий катталикда киритилган

A	B	C	D
3	31.03.x3	29.589	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
4	30.04.x3	0	Катакчани бўш ҳолда қолдирманг, «ноль»ни киритиш керак
5	31.05.x3	0	
6	30.06.x3	29.917	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
7	31.07.x3	0	
8	31.08.x3	0	
9	30.09.x3	30.247	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
10	31.10.x3	0	
11	30.11.x3	0	
12	31.12.x3	1.030.247	Фоизлар бўйича олинган тўловлар ва муддати келгандаги сўндириш тўловлари
13			
14		1,422357%	Йиллик реал фоиз миқдори
15			=ВСД(С2:С12, 1%)
16			

Аҳамият беринг: Ўрнатилган йиллик фоиз миқдори 12% га нисбатан йиллик реал фоиз миқдори 7,068% (1,422357 x 12) ни ташкил этади. Реал фоиз миқдори облигация дисконт билан харид қилиниши ҳисобига юқори қийматга эга..

ЎЗРМБнинг облигациялари дисконтини амортизациялаш жадвали

Реал фоиз ставкаси ҳисоб-китобидан кейин амортизация бўйича жадвални тайёрлаш мумкин. «Соф қолдиқ қиймат» устуни ўзида ҳисобланган фоизларни ҳисоблаган ҳолда акс эттиради, чунки фоизлар облигация эгасига тўланади. Шу сабабли, ҳақиқий қийматни тўғрилаш мақсадида олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар қийматини ҳисобга олиш зарур.

(Суммалар яхлитланган ҳолда келтирилган)

Сана	Номинал қиймат	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағидаги қолдиқ дан олинган йиллик фоизли даромад		Дисконт қолдиғи	Соф баланс қиймат (в)
			Купонлар бўйича ҳисобланган	Дисконт Амортизацияси (б)		
		(а)				
1.03.x3 – харид қилинган	1.000.000	19.397			40.000	979.397
31.03.x3	1.000.000	0	10.192	3.739	36.261	963.739
30.04.x3	1.000.000	9.862	9.862	3.846	32.415	977.447
31.05.x3	1.000.000	20.054	10.192	3.711	28.704	991.350
30.06.x3	1.000.000	0	9.863	4.238	24.466	975.534
31.07.x3	1.000.000	10.192	10.192	3.684	20.782	989.410
31.08.x3	1.000.000	20.384	10.192	3.881	16.901	1.003.483
30.09.x3	1.000.000	0	9.863	4.410	12.491	987.509
31.10.x3	1.000.000	10.192	10.192	3.854	8.637	1.001.555
30.11.x3	1.000.000	20.055	9.863	4.383	4.254	1.015.801
31.12.x3	1.000.000	0	10.192	4.254	0	1.000.000
31.12.x3 сўндирилган	0	0				0
Жами			100.603	40.000		

10) Купонлар бўйича фоизлар ҳар чоракнинг охири кунига келиб тушиши тахмин қилинади.

11) Дисконт амортизацияси = Соф баланс қиймати (олдинги қатор) х Ойлик реал фоиз ставкаси (1,4223570%) минус купонлар бўйича ўша ойга ҳисобланган фоизлар).

12) Соф баланс қиймати ўз ичига олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизларни ҳам олади, лекин ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида илгари қилиниши мумкин бўлган тўғрилаш суммаларини акс эттирмайди.

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Харид қилиш билан боғлиқ харажатлар амортизацияси

2003 йил 1 январь куни банк 12 ой муддатга, 2003 йил 30 июнь куни сўндириш муддати билан давлат облигацияларини сотиб олади (сўндиришгача 6 ой қолганда).

Номинал суммаси	1.000.000
+ Харид қилишдаги харажатлар	18.000
– Дисконт	(50.000)
=	968.000

Облигациялар бўйича йиллик 12 фоизли тўловлар ҳар ой охирида амалга оширилади.

Фоизли даромад реал фоиз миқдори усулида ҳисобланиши лозим. Дисконт амортизацияси фоизли даромадни оширади, харид қилишдаги харажатлар амортизацияси эса фоизли даромадни камайтиради. Мазкур мисолдаги ҳисоб-китоблар «сотишга мўлжаллаган» ёки «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифаларда таснифланган облигациялар учун ўринли. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» туркумида таснифланган облигацияларни харид қилишдаги харажатлар дарҳол банк харажати олиб борилади. Ехселдан фойдаланган ҳолда реал фоиз миқдорини ҳисоб-китоби иловадаги жадвалда кўрсатилган.

Шу билан бирга дисконт амортизацияси ва харид қилишдаги харажатлар жадваллари илова қилинган. Харид қилишдаги харажатлар амортизацияси бухгалтерия ҳисобини енгилантириш учун тўғри чизиқли услубда кўрсатилган. Моҳияти бўйича ушбу услуб самарали фоиз миқдоридан фойдаланган ҳолда ҳисобланган умумий соф амортизацияни ҳисобга олади ва бухгалтерия ҳисобини енгиллаштириш учун уни иккита суммага бўлади, ва бу суммалар облигацияларни сўндириш муддати етиб келган вақтда дисконт ва харид қилишдаги харажатлар суммалари тўлиқ миқдорда амортизацияланиб бўлинади. Мазкур ҳолат реал фоиз ставкаси услубининг ишончлилигини шубҳа остида қолдирмайди, чунки умумий ойлик фоизли даромадлар облигациялар соф баланс қийматининг реал фоиз ставкасига кўпайтирилганлигига тенг.

Мисол учун, январь ойи учун умумий фоизли даромадлар қуйидагилардан иборат (суммани илова қилинган амортизация графигидан қаранг):

Шартнома бўйича фоизлар	10.192
Минус харид қилишдаги харажатлар амортизацияси	(3.000)
Плюс дисконт амортизацияси	7.854
Январь ойи учун жами фоизли даромадлар =	15.046

Юқорида келтирилган умумий фоизли даромад суммаси ҳам қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

Ой бошига баланс қиймати	968.000
х Ойлик реал фоиз ставкаси	х 1.5543787%
Реал фоиз ставкаси услубини қўллаган ҳолда январь ойи учун ҳисобланган фоизли даромадлар	15.046

Агар облигациялар «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасида таснифланган деб тахмин қилинса, у ҳолда январь ойи учун фоизли даромад қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дисконт амортизацияси қуйидагича акс эттирилади:

Дт 15991 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)»	7.854	
Кт 44805 — «Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар»		7.854

Харид қилиш харажатлари амортизациясини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 44805 — «Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар»	3.000	
Кт 15989 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар»		3.000

Шартнома бўйича фоизларни (фоизлар ой охирида олинади деб фараз қилинсин) акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт Банкнинг вакиллик ёки миждознинг депозит ҳисобварағи	10.192	
Кт 44805 — «Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар»		10.192

Excel жадвалини қўллаган ҳолда давлат облигациялари бўйича реал фоиз ставкасининг ҳисоб-китоби

Бажариш тартиби: Excel да «ВСД» формуласини қўлланг. Бу формула ўзгарувчан даромадлилик миқдорини (даражасини) билдиради (масалан пул оқимлари бўйича). Ушбу формулани топиш учун Excelнинг асосий менюсига кириб, «Қўйиш (Вставка)», «Вазифа (Функция)»..., «Молиявий (Финансовые)», «ВСД»лар босилади. Мазкур формула пул оқимларининг диапозонини сўрайди (С2:С18 каттакчалар). Формула реал фоиз ставкаси бўйича зарурий қидирув жараён(цикл)лари сонини чегаралаб қўйиш учун «Тахмин (Предположение)»ни сўрайди. Одатда «Тахмин (Предположение)» майдонига 1% ни киритиш етарли ҳисобланади.

A	B	C	D
1	Сана	Пул оқимлари	Тушунтириш
2	01.01.x3	-968.000	Дастлабки пулнинг чиқиб кетиши манфий катталиқда киритилган (а)
3	31.01.x3	10.192	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
4	28.02.x3	9.205	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
5	31.03.x3	10.192	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
6	30.04.x3	9.863	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
7	31.05.x3	10.192	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
8	30.06.x3	1.009.863	Фоизлар бўйича олинган тўловлар ва муддатига келгандаги сўндиришлар

A	B	C	D
9			
10		1,5543787 %	Ойлик реал фоиз миқдори (б)
11			=ВСД(C2:C8, 1%)
12			

3) Дастлабки пул оқими = 1.000.000 сўм номинал суммада, 50.000 сўм дисконтни чегирган ҳолда, плюс

Ўрнатилган йиллик 12% ставкага нисбатан йиллик реал фоиз миқдори 18.653% (1.554787x12) ни ташкил қилади. Облигациялар қанчалик соф дисконт (50.000 – 18.000 = 32.000 соф дисконт) билан сотиб олинган бўлмасин, реал фоиз миқдори ўрнатилган фоиз миқдорига нисбатан юқори. (Агар ВСД ҳисоблаши харид қилишдаги харажатлар ҳисобисиз амалга оширилганда эди, у ҳолда йиллик реал фоиз миқдори 22.57% ни ташкил қилган бўлар эди.)

Давлат облигацияларининг амортизация графиги

(Суммалар яхлитланган ҳолда келтирилган)

Сана	Ойлик фоизли даромад [Манфий сумма (дебет фоизли даромад ҳисобвараги) қавс ичида кўрсатилган]				Соф дисконт қолдиги (д)	Қолдиқ қиймат (е)
	Харид қилишдаги харажатлар амортизацияси (а)	Дисконт амортиза- цияси (б)	Шартнома бўйича олинган фоизлар (в)	Умумий акс этирилган ойлик фоизли даромадлар (г)		
1.01.x3 – сотиб олиш	(3.000)				32.000	968.000
31.01.x3	(3.000)	7.854	10.192	15.046	27.146	972.854
28.02.x3	(3.000)	8.917	9.205	15.122	21.229	978.771
31.03.x3	(3.000)	8.022	10.192	15.214	16.207	983.793
30.04.x3	(3.000)	8.429	9.863	15.292	10.778	989.222
31.05.x3	(3.000)	8.184	10.192	15.376	5.594	994.406
30.06.x3	(3.000)	8.594	9.863	15.457	0	1.000.000
30.06.x3 сўндириш					0	0
Жами	(18.000)	50.000	59.507	91.507		

3) Оддийлик учун харид қилиш харажатлари тўғри чизиқли методда амортизацияланади. Умумий ойлик даромад реал фоиз ставкаси методидан фойдаланган ҳолда акс этирилади.

4) Дисконт амортизацияси (олдинги қатордаги соф баланс қиймати х ойлик реал фоиз миқдори) плюс 3.000 сўм каби ҳисобланади.

5) Шартнома бўйича фоизли тўловлар хар ойнинг охири кунида олиниши тахмин қилинади.

6) Жами = (а) + (б) + (в)

7) Соф дисконт = олдинги қолдиқ + (а) – (б). Эътибор беринг, «соф дисконт» 15991 (дисконт) ва 15989 (харид қилиш харажатлари) ҳисобварақларидаги қолдиқ суммаларни акс эттиради. Молиявий ҳисобот учун ушбу иккита ҳисобварақ ҳам қанчалик сотиб олишдаги харажат қилинган пул маблағлари билан қимматли қоғознинг номинал суммаси ўртасидаги фарқни акс эттиришмасин, соф қийматни акс эттиролмайди.

8) Баланс қиймати = 1.000.000 сўм номинал сумма – (д). Мазкур баланс қиймат қолдиқларни айиргандаги қийматга тенг:

15905 (номинал сумма) ҳисобварақ бўйича
+ 15989 (харид қилиш харажатлари)
– 15991 (дисконт)

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Берилган активлар устидан назорат ўрнатиш ва эгаллик қилиш билан боғлиқ хавф-хатар ва мукофотларни беришни баҳолаш

Хавф-хатар ва мукофотлар

Хавф-хатар ва мукофотлар берилганлигини, берилган активлар бўйича соф пул оқими суммаси ва вақт тақсимотидаги ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда активларни беришгача ва бергандан кейинги банкнинг ташқи омиллар бўйича тортилган хатарини солиштириш йўли билан баҳоланади.

Агар ушбу активни бериш натижасида, ушбу молиявий актив бўйича келажакдаги соф пул оқимларининг жорий қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ хавф-хатар бўйича банк тортилган хатар ўзгармаса, у ҳолда банк молиявий активга эгаллик қилиш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни ўзида сақлаб қолган деб ҳисобланади (масалан, банк молиявий активни ягона имкониятли шарт билан яъни қайта сотиб олишдаги белгиланган қиймати ёки харид баҳосига кредитор даромади қўшган ҳолда сотиб олиш шarti билан сотди).

Агар банкнинг бундай молиявий актив билан боғлиқ келажакдаги соф пул оқимларининг жорий қийматдаги умумий якуний ўзгаришларига нисбатан бундай хавф-хатар ўзгаришлари унчалик муҳим бўлмаса, у ҳолда банк молиявий активга эгаллик қилиш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни берган ҳисобланади (масалан, банк молиявий активни ягона имкониятли шарт билан яъни қайта сотиб олишдаги ҳақиқий қиймати бўйича сотиб олиш шarti билан сотди, ёки банк келишув бўйича рухсат берувчи, масалан, мазкур Низомнинг 36-бандидаги шартга жавоб берувчи ссудада қисман иштирок этганда, йирик молиявий актив бўйича барча пул оқимларидаги барча мутаносиб улушларини тўлиқ бериб юборса).

Кўпинча маълум бўладики, банк томонидан молиявий активга эга қилиш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотлар берилган ёки сақлаб қолинган, у ҳолда ҳисоблашларни амалга ошириш зарурати бўлмайди.

Бошқа ҳолатларда, активни беришгача ва бергандан кейинги келажакдаги соф пул оқимларининг жорий қийматидаги банкнинг хавф-хатарлар ўзгариши бўйича тасдиғини таққослаш ва ҳисоблашни амалга ошириш зарур. Ҳисоблаш ва таққослашлар дисконт ставкаси сифатида жорий бозор фоиз ставкасини қўллаган ҳолда ўтказилади. Соф пул оқимларидаги барча асосли бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар, муҳим жиҳатдаги катта эҳтимолий натижалар билан кўриб чиқилади.

Назорат

Берилган активлар устидан банкнинг ўз назоратини сақлаб қолиши, олувчининг ушбу активни сотиш имконияти билан боғлиқ. Агар олувчида ушбу активни

бутунлай қандайдир бошқа бир мустақил учинчи томонга сотишнинг реал имконияти бор бўлса, ва у буни бир томонлама ва ушбу активни беришга нисбатан қўшимча чеклашларсиз амалга ошириши мумкин бўлса, бунда банк учун ушбу актив устидан назорат қилиш ваколати қолмайди. Қолган барча ҳолатларда банк ўзида назоратни сақлаб қолади.

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

Янги актив ёки мажбурият пайдо бўлишига олиб келадиган, молиявий активларни бериш бўйича асосий қоидалар

1. Агар банк молиявий активни бутунлай ҳисобдан чиқаришни ва тўлов (мукофот) учун ушбу активга хизмат кўрсатиш бўйича ўзида ҳуқуқни сақлаб қолишни талаб қилувчи категория талаблари остида берадиган бўлса, у ҳолда банк хизмат кўрсатиш бўйича мазкур шартномага нисбатан ёхуд хизмат кўрсатиш бўйича активни ёхуд хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятни тан олади. Агар олинishi лозим бўлган мукофот хизмат кўрсатиш бўйича банкка етарли даражадаги компенсацияни қила олмаса, у ҳолда бу шартномавий мажбуриятга нисбатан хизмат кўрсатиш бўйича мажбурият ҳақиқий қиймати бўйича тан олинади. Агар олинishi лозим бўлган мукофот хизмат кўрсатиш бўйича банкка етарли даражадаги компенсацияни қила олса, у ҳолда бу шартномавий ҳуқуқ бўйича актив суммаси қуйидаги 3-бандга мувофиқ сотиб олинган молиявий активнинг қолдиқ қийматидаги тақсимланган улуши асосида аниқланадиган суммага тенг бўлади.

2. Агар активни бериш натижасида молиявий активни тўлиқ ҳисобдан чиқариш рўй берса, у ҳолда бунинг натижасида банк янги молиявий актив, молиявий мажбурият қабул қилиб олади ёки хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни олади, лекин банк уларни ҳақиқий қийматлари бўйича тан олади.

3. Агар бериладиган актив қандайдир йирик молиявий активнинг бир қисми бўлса ва бериладиган мазкур қисмга нисбатан унинг бутунлай тўлиқ ҳисобдан чиқарилиши талаб этилса, у ҳолда йирик активнинг олдинги баланс қиймати тан олинishi давом эттириладиган ва ҳисобдан чиқариладиган қисмлари ўртасида ҳар бир қисм бўйича бериш санасига, ҳақиқий қийматидан нисбатан келиб чиққан ҳолда (қуйидаги келтирилган мисолга қаранг) ўзаро тақсимланади. Ўртадаги фарқ, яъни:

1) ҳисобдан чиқарилувчи қисмининг баланс қиймати билан;

2) қуйидаги катталиклар суммалари ўртасидаги фарқ:

а) ҳисобдан чиқарилган қисми бўйича олинган тўлов (возмещения) (шу билан бирга, ихтиёрий қабул қилинган янги актив, қабул қилинган ихтиёрий янги мажбурият чегириб ташланган ҳолда);

б) ҳисобдан чиқарилувчи қисмга тааллуқли бўлган ва бевосита тўғридан-тўғри капиталда тан олинган ихтиёрий йиғилган (кумулятив) фойда ёки зарарлар.

фойда ва зарарлар ҳисоботида тан олинади. Капиталда тан олинган йиғилган (кумулятив) фойда ёки зарарлар суммалари тан олинishi давом эттириладиган ва ҳисобдан чиқариладиган қисмлар ўртасида ҳар бир қисмининг ҳақиқий қийматидан нисбатан келиб чиққан ҳолда (қуйидаги келтирилган мисолга қаранг) ўзаро тақсимланади.

Мисол

Банк «А» сотиб олиш санасига бозор фоиз ставкасига тенг бўлган 11% даромад келтирувчи облигацияларни фоизли купонлар билан бирга сотиб олади. Кейинчалик банк ушбу облигациялар бўйича умумий асосий қарз суммасини учинчи томонга сотади. Сотиш тўғрисидаги келишув шартига мувофик, учинчи томон 6% даромадлилик билан облигацияларнинг 80% сотиб олади, бунда банк учинчи томонга 6% даромадни олиши тўғрисида кафолат (гарантия) беради. Банк ўзида облигацияларнинг қолган 20%ини ва учинчи томонга сотилган облигациялар бўйича қўшимча 5% даромадни сақлаб қолади. «А» банкнинг ушбу облигациялардаги қолган улуши учинчи томонга сотилган 80% улушли облигациялар билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун гаров таъминоти бўлиб ҳисобланади. Мазкур операция тан олишни тўхтатиш критериясига жавоб беради ва «А» банк мазкур операцияни соштига мўлжалланган сингари ҳисобга олади.

Савол: Банк қанчалик молиявий активнинг бир қисмини берган ва активнинг бошқа қисмини ўзида қолдирган, мазкур активнинг баланс қиймати қолдирилган ва сотилган қисмлари ўртасида ҳар бир қисмининг сотиш санасидаги ҳақиқий қийматидан нисбатан келиб чиққан ҳолда ўзаро тақсимланиши лозим. Фойда ёки зарарлар сотилган қисмдан олинган тушумга асосланган ҳолда тан олинади лозим. Бундай ҳолда банк қандай қилиб ушбу активнинг баланс қийматини тақсимлаши лозим?

Мазкур мисолда облигацияларнинг сотилган қисмининг ҳақиқий қиймати учинчи томон ҳисобидан тўланган бўлиб, облигацияларнинг 80% ташкил этади. Банкдаги облигацияларнинг қолган қисми учун бозорда талаб йўқ, шу билан бирга банк уларни илгари сотмаган. Шунингдек, сотилиши лозим бўлган облигациялар бўйича мос аналогик типдаги бозор котировкалари мавжуд эмас. Ўз навбатида, ушбу облигацияларнинг ҳақиқий қийматини баҳолашни амалга ошириш учун имкониятлар йўқ.

Ечим: Банк «А» кўриб чиқилган облигациялар бўйича келгуси пул оқимларини шартнома бўйича уларга тааллуқли тўловлардан келиб чиқиб баҳолайди ва мазкур кўзда тутилган пул оқимларидан муддатли сўндириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммаларини чегириб ташлайди. Кейин эса бу пул оқимларини кўзда тутилган хавф-хатарлар бўйича мос тўғрилашларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланган бозор фоиз ставкаси бўйича дисконтлайди.

Фараз қилайлик, мазкур услубда улушли қолдиқнинг ҳақиқий қиймати асосий сумманинг 25% тенг бўлсин. У ҳолда сотилган компонентга тегишли сумма қуйидагича ҳисобланади:

$80\% / (80\% + 25\%) = 76,19\%$ (бу ҳисобдан чиқариловчи актив суммасини ҳосил қилади).

Сотишдан тушган тушум қуйидаги тартибда ҳисобланади:

Асосий сумманинг 80% – асосий сумманинг 76,19% = асосий сумманинг 3,81%

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

Банкда назорати ва эгалик қилишдаги иштирок улуши қоладиган молиявий активларни бериш (передача)

Агар банк умуман олганда узатилган активлар бўйича эгалик қилишдаги барча хавф-хатар ва мукофотларни бермаса ва ўзида сақлаб қолмаса, ва узатилган активлар устидан ўзида назоратни сақлаб қолса, у ҳолда банк ушбу активни унга эгалик қилишдаги ўз улуши миқдоридан тан олишни давом эттиради. Банкнинг узатилган активлар бўйича ўз улуши банкнинг узатилган актив қийматининг ўзгариши хавф-хатарини тасдиқлаш даражасига боғлиқ.

Мисоллар:

1) Агар банкнинг эгалик қилишдаги ўз улуши берилган активлар бўйича кафолат (гарантия) шаклида бўлса, у ҳолда банкнинг эгалик қилишдаги иштирокчи улуши даражаси қуйидаги иккита катталиқнинг кичик қийматга эга бўлганлигига тенг: (а) актив суммаси ёки (в) банкдан қоплашни талаб қилувчи олган максимал кафолат (гарантия) суммаси.

2) Агар банкнинг эгалик қилишдаги ўз улуши узатилган актив бўйича ёзма шаклда ёки сотиб олинган опцион (ёки шунга ўхшаш ва бошқача) шаклида бўлса, у ҳолда банкнинг берилган актив бўйича эгалик қилишдаги иштирокчи улуши даражаси банк қайтиб сотиб олиши мумкин бўлган берилган актив суммасига тенг бўлади. Баъзида, ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланувчи активни сотиш бўйича ёзма опцион ҳолатида, банкнинг эгалик қилишдаги иштирокчи улуши даражаси қуйидаги иккита катталиқларнинг кичик қийматга эга бўлганлиги билан чегараланади: берилган активнинг ҳақиқий қиймати ёки фойдаланилган опцион нархи билан.

3) Агар банкнинг эгалик қилишдаги иштирокчи улуши пул кўринишида сўндириш ёки берилган актив бўйича мос шарт билан опцион шаклида қабул қилинса, у ҳолда банкнинг эгалик қилишдаги улушли даражаси юқорида ўрнатилган нақд пулсиз шаклда қоплашдаги опцион йўли сингари баҳоланади.

Боғлиқ мажбуриятларнинг тан олиниши:

Агар банк активни ўзининг эгалик қилишдаги иштирокчи улуши доирасида тан олишни давом эттирса, у ҳолда банк у билан боғлиқ мажбуриятни ҳам тан олади. Берилган актив ва у билан боғлиқ мажбурият шундай баҳоланадики, бунда банк ўзида сақлаб қолувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам акс эттирилган бўлиши лозим. Боғлиқ мажбуриятлар шундай баҳоланадики, берилган активнинг соф баланс қиймати ва у билан боғлиқ мажбурият:

1) агар берилган актив амортизация қиймати бўйича ҳисобга олинган бўлса, банк ўзида сақлаб қолган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг амортизация қиймати бўлиб ҳисобланиши лозим;

2) агар берилган актив ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинган бўлса, автоном асосда (алоҳида-алоҳида) олиб борилган баҳоланганда, банк ўзида сақлаб қолган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳақиқий қийматига тенг бўлиб ҳисобланиши лозим.

Банк берилган актив бўйича пайдо бўладиган барча даромадларни эгалик қилишдаги улуши доирасида тан олишни ва боғлиқ мажбурият бўйича пайдо бўладиган барча харажатларни тан олишни давом эттиради.

Кейинчалик баҳоланган мақсадида, берилган активнинг ва у билан боғлиқ маж-

буриятнинг ҳақиқий қийматидаги тан олинган ўзгаришлар алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади ва ўзаро компенсация қилинмайди (яъни баланс ҳисоботда бир-биридан чегирган ҳолда кўрсатилмайди).

Агар банкнинг эгаллик қилишдаги иштирокчи улуши фақат молиявий актив қисмигагина тааллуқли бўлса, у ҳолда банк молиявий активнинг олдинги қолдиқ қийматини шундай қисмлар ўртасида, яъни бунда активни бериш санасидаги ҳар бир қисмнинг ҳақиқий қийматидан нисбатан келиб чиққан ҳолда, тан олишни давом эттирадиган ва бошқа тан олмайдиган қисмлар ўртасида тақсимлайди (мазкур Низомнинг 10-иловасига қаранг).

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

Активларни «сотиш учун мавжуд» тоифадан «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифага ўтказиш ҳисоби

Сўндириш муддати ўрнатилган актив

Банк тасарруфидаги сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар тоифасида таснифланган ҳазина векселлари билан боғлиқ ҳисобварақларида қуйидагича қолдиқлар мавжуд:

	Хисобварақдаги қолдиқ	
	Дебет	Кредит
10801 — «Давлат ҳазина векселлари» (сотишга мўлжалланган)	1.000.000	
10893 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот»	18.500	
10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши»		25.000
30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)»	25.000	

Банк мазкур ҳазина векселени «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифага ўтказишга қарор қабул қилди. Мазкур қайта таснифлашни акс эттиришдан олдин «сотишга мўлжалланган» тоифадаги қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қийматини тўғрилаш амалга оширилган бўлиши лозим. Фараз қилайлик, ушбу тўғрилаш юқорида қайд қилинган ҳисобварақларда амалга оширилган ва акс эттирилган бўлсин. У ҳолда, ўз навбатида, ҳазина векселининг ҳақиқий қиймати бошқа тоифага ўтказиш санасига 993.500 (1.000.000+18.500-25.000) сўмни ташкил этади.

Қайта таснифлашни акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 15901 — Давлат ҳазина векселлари (сўндириш муддатигача сақланадиган)	1.000.000	
Дт 10895 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши»	25.000	
Кт 10801 — «Давлат ҳазина векселлари» (сотишга мўлжалланган)		1.000.000
Кт 10893 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот»		18.500
Кт 15991 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)»		6.500

Сўндириш муддатигача сақланадиган хазина векселининг янги амортизация қиймати $1.000.000 - 6.500 = 993.500$ сўмни ташкил этади. 6.500 сўм миқдоридagi дисконт реал фоиз методини қўллаган ҳолда ушбу векселнинг қолган сўндириш муддати давомида даромадни тўғрилаш (фоизли даромадни кредитлаш) йўли билан амортизацияланиб борилади.

30907 — «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)» ҳисобварағидаги дебет қолдиқ бекор қилинмайди. Ушбу қолдиқ сумма реал фоиз методини қўллаган ҳолда ушбу векселнинг қолган сўндириш муддати давомида даромадни тўғрилаш (фоизли даромадни дебитлаш) ҳисобига амортизацияланиб борилади.

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

Молиявий активларнинг қадрсизланиши

Банклар, молиявий активларни таснифлаш ва баҳолашда Марказий банкнинг Тижорат банклари томонидан активлар сифат даражасини таснифлаш ва улар бўйича кўрилиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 632) белгиланган талабларга риоя этишлари шарт. Мазкур илова эса МҲХСларига мувофиқ молиявий активларнинг қадрсизланишини баҳолаш услубини умумлаштиради. Бу ҳужжатларда қўлланилган услубларнинг бир-биридан кичкина фарқи бўлсада, мазкур иккала ҳужжатдаги асосий тамойиллар бир хил. Ушбу иккала услубга асосан баҳолангандаги зарарлар суммаси унчалик фарқ қилмаслиги лозим ва банклар катта зарар суммаларини акс эттирадilar.

МҲХСларида «қадрсизланишдан кўрилган зарар» иборасидан фойдаланилган бўлиб, у мазкур Низомга мувофиқ «кўрилиши мумкин бўлган зарарлар» иборасига ўриндош ҳисобланади.

МҲХСларига мувофиқ, қачонки молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи дастлабки тан олингандан кейин рўй берган бир ва ундан ортиқ ҳодисалар натижасида уларнинг қадрсизланиши тўғрисида гувоҳлик берувчи маълумотлар мавжуд бўлса ва бу ўз навбатида ушбу молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи бўйича кўзда тутилган келгуси пул оқимларига салбий таъсир кўрсатиб, зарар кўришга олиб келса ва у ишончли тарзда баҳоланган бўлса, мазкур молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи қадрсизланган ҳисобланади ва бу ҳолат зарарларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Балки қадрсизланишга олиб келувчи алоҳида, ягона ҳодисаларни аниқлаш имкони йўқ бўлиши мумкин. Қадрсизланиш асосан умумий таъсир этувчи рўй берган бир қанча ҳодисалар туфайли вужудга келиш эҳтимоли катта бўлади. Келгуси ҳодисалар натижасида кўрилиши қутилаётган зарарлар тан олинмайди.

Кўрилиши мумкин бўлган зарарга олиб келадиган ҳодисаларга банк томонидан кузатилган ва мавжуд маълумотлар асосида молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланганлигини тасдиқловчи қуйидаги объектив далиллар хизмат қилади:

1) эмитент ёки мажбурият олган шахс томонидан кўрилган муҳим (существенные) молиявий қийинчиликлар;

2) шартноманинг бузилиши, мисол учун, асосий қарз ёки фоизлар бўйича тўловларнинг бажарилмаслиги ёки кечиктирилиши;

3) кредитор, иқтисодий ёки ҳуқуқий кучга эга бўлган сабаблар таъсирида, ўз фаолиятида молиявий қийинчиликларни ўтказаетган қарздорнинг қарзидан воз кечган ҳолда ён бериши мумкин, бошқа ҳар қандай ҳолатда бу кўзда тутилмаган бўлса.

4) қарздорни банкротлик ёки бошқа молиявий қайта ташкил этиш эҳтимоллари пайдо бўлганда;

5) молиявий қийинчиликлар сабабли мазкур молиявий актив бўйича фаол бозорнинг ёпилиши;

6) кузатилаётган далиллар молиявий активни дастлабки тан олиш вақтидан бошлаб молиявий активлар гуруҳи бўйича кўзда тутилган келгуси пул оқимларини қисқартириб ўлчашни кўрсатади, мазкур қисқартириш ушбу гуруҳдаги алоҳида молиявий активлар бўйича аниқ тушунтириш бера олмасда, шу билан бирга:

а) ушбу гуруҳ бўйича қарздорларнинг тўлов қобилиятининг ёмонлашуви (масалан, кечиктирилган тўловлар миқдорининг ёки лимити тугаган кредит карточкалар бўйича қарздорлар сонининг ўсиши ва ойлик минимал суммалар тўлаб борилиши);

б) ушбу гуруҳдаги активлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслигига боғлиқ бўлган миллий ёки маҳаллий миқёсдаги иқтисодий шарт-шароитлар (масалан, қарздор жойлашган географик муҳитдаги ишсизлар сонининг ошиши, тегишли регионда гаровга олинган мулк нархининг тушиб кетиши, нефт қазиб чиқарувчи компанияларга берилган ссудалар (шунга ўхшаш активлар) бўйича нефт нархининг тушиб кетиши, ёки тармоқдаги кўнгилсиз ўзгаришлар натижасида ушбу гуруҳ бўйича қарздорларнинг қийин аҳволга тушиб қолиши).

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий воситаларини бошқа бемалол очиқчасига сотилишига таъсир қилувчи фаол бозорнинг ёпилиши мазкур молиявий воситаларнинг қадрсизланишидан гувоҳлик берувчи далил бўла олмайди. Хўжалик юритувчи субъект кредит қобилияти рейтингининг пасайиши, ўз-ўзидан қадрсизланиш тўғрисида маълумот берувчи далил бўлиб хизмат қила олмайди, хатто қадрсизланиш маълумоти сифатида у бошқа мавжуд маълумотлар билан бирга кўриб чиқилганда ҳам. Агар молиявий активнинг ҳақиқий қиймати унинг ҳақиқатдаги қийматидан ёки амортизация қийматидан кичик бўлиши, унинг қадрсизланиши тўғрисида ҳеч қандай далил бўла олмайди (мисол учун, ишончли (хавф-хатарсиз) фоиз ставкаларининг ўсиши натижасида қарз инструмент (восита) ларига қилинган инвестицияларнинг ҳаққоний қийматининг пасайиши).

Юқорида баён этилганлардан ташқари, улушли воситалар қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида маълумот берувчи объектив далиллар сифатида, эмитент ўз фаолиятини технологик, бозор, иқтисодий ёки ҳуқуқий шарт-шароитларда амалга оширганда кўнгилсиз (неблагоприятный) таъсир этувчи муҳим ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам хизмат қилиши мумкин ва бу қарз инструментларига қилинган инвестициялар қайтарилмаслиги (не будут возмещены) мумкинлигини кўрсатади. Улушли воситаларга қилинган инвестицияларнинг ҳақиқий қийматининг сезиларли ва давомли даражада пасайиши, яъни ҳақиқатдаги қийматидан кичик бўлиши ҳам қадрсизланиш тўғрисида маълумот берувчи объектив далиллар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда, молиявий актив бўйича қадрсизланишдан кўрилган зарар суммасини баҳолаш учун талаб этиладиган, кузатиладиган маълумотлар чегаралан-

ган ёки жорий мажбуриятларга тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Масалан, бу қуйидаги ҳолда рўй бериши мумкин, яъни қарздор (заемщик) қийин молиявий ҳолатга тушиб қолганда ва ўхшаш қарздорлар (аналогичных заемщиков) тўғрисида жуда кам статистик маълумотларга эга бўлганда. Бундай ҳолларда, банк кадрсизланишдан кўрилган зарар суммасини баҳолаш учун ўзининг профессионал даражадаги фикрлаш хулосасини қўллаши лозим. Албатта, банк молиявий активлар группаси бўйича кузатилаётган маълумотларни жорий шарт-шароитларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзининг профессионал даражадаги фикрлаш хулосасини қўллаши лозим. Онгли равишда кутилаётган баҳолашлардан фойдаланиш молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнининг узвий жараёни ҳисобланади ва бунда асло унинг ишончини йўқотмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

364 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
30 ноябрда 1325-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 октябрдаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ва «Ўзспиртсаноат» ҳиссадорлик компанияси корхоналарининг молиявий ахволини соғломлаштириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-204-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16 ва 2004-13-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2004 йил 15 март, рўйхат рақами 1325 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 11-сон, 133-модда; 2005 йил, 10-11-сон, 80-модда; 40-сон, 310-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 ноябрь,
104-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 ноябрь,
2005-67-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 19 ноябрдан 2 декабргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 7 ноябрдаги 102, 271-В, 6-сон қарори.*

2005 йил 19 ноябрда 1522-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 29 ноябрдан кучга киради).

2. «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи.*

2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 29 ноябрдан кучга киради).

3. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 3 августдаги 61, 2005-40, 60-сон қарори.*

2005 йил 28 ноябрда 1524-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 декабрдан кучга киради).

4. «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификат бериш тартиби тўғрисида йўриқнома» *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2005 йил 30 сентябрдаги 01-1/54, 1-сон қарори.*

2005 йил 28 ноябрда 1525-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 декабрдан кучга киради).

5. «Алкоголи маҳсулотларга тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини ҳисоблаб чиқиш ва «Ўзмевабазавотузумсаноат-холдинг» холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 6 ноябрдаги 103, 2005-65-сон қарори.*

2005 йил 30 ноябрда 1526-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 10 декабрдан кучга киради).

6. «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толаси учун қўшимча чегирма бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекис-*

тон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 31 августдаги 82, 63, РА-01/10-3641, 2005-49-сон қарори.

2005 йил 30 ноябрда 1527-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 10 декабрдан кучга киради).

7. «Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юриш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги 19/5-сон қарори.*

2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 10 декабрдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 29 ноябрдаги 104, 2005-67-сон қарори.*

2005 йил 30 ноябрда 1325-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 10 декабрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан 2005 йил 4 январдаги 1-сон буйруғи билан қабул қилинган (2005 йил 4 январь, рўйхат рақами 1439).*

Адлия вазирининг 2005 йил 19 ноябрдаги 170-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

